

НОЗИМХУЖА АБДУСАОМХУЖАЕВ

**РАНГТАСВИР. ЎҚУВ ДАЛА АМАЛИЁТИ  
(ПЛЕИЭР)**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НОЗИМХЎЖА АБДУСАЛОМХЎЖАЕВ

**РАНГТАСВИР. ЎҚУВ ДАЛА АМАЛИЁТИ  
(ПЛЕНЭР)**

Ўқув қўлланма

Бакалаврият йўналиши: 5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик  
графикаси

“NAVRO’Z” нашриёти  
ТОШКЕНТ – 2018

Қуёш  
гининг  
нсонга,  
свирий

билан  
ларини  
исбатан  
жанри  
омили

сионал  
ишида  
рлашга  
ва ҳар

билан  
анзара  
анади.  
ш – бу  
анзара  
ришга  
омили  
ак ҳам

булиб  
ҳавода  
лунинг  
чагина

иллиги  
руғлик  
аслига  
пароит

КБК: 80.05(Ўзб)

А 34

УДК: 78.34.55

ISBN 978-9943-381-9-33

**АБДУСАЛОМХЎЖАЕВ Н. РАНГТАСВИР. ЎҚУВ ДАЛА АМАЛИЁТИ (ПЛЕНЭР) /** ўқув қўлланма / Т.: «NAVRO'Z», 2018. – 144 б.

Мазкур ўқув қўлланмада тасвирий санъатнинг асосий негизи ҳисобланган, қаламтасвир ва рангтасвир фанларини ўрганишнинг ўқув амалиётининг мақсад ва вазифалари, назарий ва амалий ўқув услублари, ҳамда ўқув топшириқларни амалий бажариш йўллари ҳақида маълумот берилади.

Ўқув қўлланмада ўқув амалиёти ишларини ташкил қилиш мазмуни, услублари, уларни қўллашга оид ўқув тавсиялар, мустақил иш топшириқлари ва уларни бажаришда фойдаланиладиган адабиётлар келтирилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан махсус касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

#### **Муаллиф:**

**Абдусаломхўжаев Н.** – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

#### **Тақризчилар:**

**Абдирасилов С.Ф.** – Низомий номидаги ТДПУ, «Тасвирий санъат ва уи ўқитиш методикаси» кафедраси п.ф.н. доценти

**Ҳакимов У.Б.** – Республика рассомлик коллежи директори

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-109-сонли қарорига асосан нашрга рухсат этилган.

© «NAVRO'Z» нашриёти, 2018

© Нозимхўжа АБДУСАЛОМХЎЖАЕВ

## КИРИШ

Табиат гўзаллиги унинг такрорланмаслиги ўзига хосдир. Қуёш нури ва атрофимизни ўраб турган муҳит ранглар уйғунлигининг битмас-туганмас манбаидир. Табиат, атроф-муҳитнинг, инсонга, унинг ҳиссиётига, ҳамда тафаккурига бўлган чуқур таъсири, тасвирий санъатда манзара жанрининг вужудга келишига туртки бўлди.

Тасвирий санъатнинг манзара жанрида яратилган асарлар билан танишиш инсон руҳий олами мустаҳкамлайди, ички туйғуларини бойитади. Табиат гўзаллигини ҳаққоний тасвирлаш, унга нисбатан рассом муносабатини белгилайди. Шу сабабдан ҳам манзара жанри инсон ҳиссиётини нафосатли қилиб тарбиялашнинг муҳим омил ҳисобланади.

Табиатни атрофлича, чуқур ўрганиш ва профессионал маҳоратни ривожлантириш, манзарачи-рассомнинг шаклланишида ўзаро узвий боғлиқ жараён ҳисобланади. Манзарани тасвирлашга ижодий ёндашиш, табиатдан бевосита олинган таассуротларга ва ҳар томонлама кузатувларнинг натижаларига асосланади. Табиат билан узоқ муддат мулоқотда бўлиш асносида рассомда манзара композициясининг ғояси туғилади, унинг кўриниши шаклланади. Машҳур рассомлардан бири бу борада: “Этюдлар устида ишлаш – бу энг юқори мактаб ҳисобланади” деган эди. Шу сабабдан манзара рангтасвири ва манзара қаламтасвирини яхши, пухта бажаришга ўргатиш, манзарачи рассом тарбиялашнинг асосий ва муҳим омил ҳисобланади. Бу рангтасвир курсининг асосий бўлиmidир десак ҳам асло янглишмаймиз.

«Пленэр» ўзи нима? Пленэр сўзи, французчадан олинган бўлиб «*plien air*» - яъни “эркин ҳаво” маъносини англатиб, очиқ ҳавода бажарилган тасвирий санъат асарларини назарда тутаяди. Шунинг учун пленэрда этюд бажариш, хона ичида этюд бажаришдан анчагина фарқ қилади.

Ёруғликнинг кўплиги, рефлексларнинг хилма-хиллиги манзарадаги объектларни катта узоқликда жойлашиши, ёруғлик манбаининг тез ўзгариши, унинг табиат ҳолатига, йил фаслига боғлиқлиги – буларнинг ҳаммаси янги ва ноодатий шароит

тажрибасига эга бўлмаган манзарачи рассомга бажариладиган иш жараёнини мураккаблаштириб юборади.

Манзара этюдининг асосий ютуқлари – табиатнинг маълум бир ҳолатдаги ёритилиши, ҳаво муҳити ва фазовий кенглик шулар жумласидандир. Буларнинг барчасига рассом бўёқлар воситасида муносабатларини ифодалаш орқали эришади. Ижодкорнинг профессионал маҳоратини шакллантириш ушбу қўлланманинг мазмунини ташкил этади.

Айни пайтда ушбу қўллаима ўтмишдаги ва замонавий тасвирий санъат тажрибаларига асосланган ҳолда «ПЛЕНЭР» рангтасвирийнинг ўзига хослигини ёритиб беради. Машғулотларнинг моҳиятини очиб беради ва шу соҳа бўйича укув тавсиялар беради, шунингдек, “ПЛЕНЭР” дастури бўйича машқларни бажариш учун жуъали маслаҳатлар беради.

ПЛЕНЭР амалиётининг мазмуи-моҳияти, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга йўналтирилган машқ ва машғулотлар туркумида тавсия этилган. Бу укув композицияларини яратиш ёки бажаришнинг ўзига хосликларидан кўринади. Бу вазифалар талабаларни ижодий муаммоларни мустақил равишда ҳал этишга тайёрлашни мақсад қилиб қўйган.

## **ТАСВИРИЙ САЊЪАТДА ЎҚУВ АМАЛИЁТИ –«ПЛЕНЭР»НИНГ ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ**

Бизгача етиб келган маданият ва санъат ёдгорликлари шу нарсага гувоҳлик берадики, қадимги дунё одамлари жуда қадим замонлардан табиатни тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Маълумки, қадимги мисрлик рассомлар амарн давридан бошлаб одамларни, жониворлар ва ҳайвонларни, ҳамда сарой турмуш тарзига оид воқеликларни тасвирлаганлар. Эрамиздан аввал (XV аср охири - XVI аср бошларида) манзаранинг гуллари ва дарахтлари каби элементларни этрус рассомларининг безакларида учратиш мумкин (э.а. VI аср).

Қадимги юнон мусаввири Апеллес ўзини портрет асарларида бирида ёруғлик маибаи бўлган чакмок ёруғида ёритилган инсон танасини тасвирлайди. Қадимги Рим тасвирларида ҳамда Византия манзараларида қадимги рассомларнинг ҳаво муҳитини тасвирлашга, сояларни рангда ишлашга интилганликларини кўришимиз мумкин. Бизгача сақланиб қолган деворий тасвирлар бўлакларида ўша давр рассомларининг соя ва ёруғликка бўлган эътиборларини, предметларини тасвирлашларида табиатни кузатиш натижасида орттирган бой ижодий тажрибаларини кўрамиз.



Ғарбий Европа тасвирий санъатида, хонадан ташқаридаги буюмларни тасвирлашда, табиий ёруғликдан фойдаланганлик ҳолатларини илк бор XV асрда яратилган асарларда учратамиз.

Эрта Уйғониш даври арафасида рассомлар орасида, раиғтасвир энг асосий фан экани ҳақида ишонч кенг тарқалган ғояга айлади. Италиян рассоми Ченнино Ченнини ижоди ва унинг “Раиғтасвир ҳақида трактат”и асарида табиат тасвирлари раиғтасвир учун намуна вазифасини бажаради.

Эрта Уйғониш даври намоёндаларидан Торо делла Франческо ўз ижодида нуриинг тасвирий санъатнинг муҳим омили эканини кўрсатиб берди. Шу даврда ижод этган италиян рассомлари инсон ва

табиатни тасвирлашда анча илғор маҳорат билан ҳаракат қилганлар, улар шартли тусдаги ва тилла ранглар билан асар фонини тасвирлашдаи воз кечиб ҳаққоний раиғ - тасвирга асос солганлар.



Уйғониш даври рассомлари «плeнер» рангтасвири ривожланишига ўзларининг буюк хиссаларини қўшдилар. Аввало, улар рангтасвирнинг назарий асосларини яратиш йўлида шу соҳага оид илк илмий асарлар ёзиб қолдирдилар. Антик давр маданий меросига мурожаат этиш билан бирга ўзларининг кузатишлари натижаларига суянган ҳолда Уйғониш даври рассомлари борлиқни ҳаққоний тасвирлашда униинг назарияси ва амалиётини бойитдилар. Ҳажми тасвирлаш, фазони, нур, одам гавдасининг тасвири, борлиқ мухит – интерьер, манзара соҳаларига ҳам анчагина ижобий ўзгартиришлар киритдилар.

Уйғониш даври рассомларининг (Италияда Мозаччо, Пьера делла Франческо, Мантенья, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланджело, Тициан, Веронезе, Пиниоретто; Нидерландияда Ян Ван Эйк, Рогир Вандер Вейден, Брейгель; Германияда Дюрер Нитхард, Гольбейн; Францияда Фуне, Клуэ.) хизмати шуидан иборатки, улар маҳорат сирларини чуқур ўрганиш билан бир каторда юқори бадний қийматта эга бўлган санъат дурдоналарини яратдилар. Шу боис Уйғониш даври маданиятига асрлар оша мурожаат этар

эканмиз ундан амалиётчи-рассом ҳам ўқитувчи-рассом ҳам ўрганиши лозим бўлган нарса битмас туганмас эканига ишонч хосил қилади.



Ўйғониш даврининг буюк олими, мутаффаққир ва рассоми Леонардо да Винчи табиатдаги нур ва рангнинг ўзаро муносабатларини чуқур таҳлил қилиб, шулар асосида, пленэр рангтасвирига оид бир қатор қонун ва қоидаларни тушунтириб берди. Табиатни кузатиш жараёнида у ўз тажрибасидан қелиб чиққан ҳолда илмий асосга эга бўлган қонуниятлар ва принциплар гуруҳини яратди, уларга ҳозирги кунларда ижод қилаётган рассомлар ҳам амал қилиб келадилар.

Леонардо да Винчи «ҳаво перспективаси назарияси»ни ишлаб чиқди. Ўзининг “рангтасвир ҳақида” китобида бу ҳақда батафсил тўхтаб, ҳавонинг ўзига ашёвий муҳит сифатида қаради. Очик ҳаводаги тасвирланаётган предметларни соя-ёруғ ва ранг ҳолатларига унинг таъсири ва шу таъсир натижасида рангнинг ўзига хос жилоланиши ҳамда бир-бирига ўзаро таъсирини тақидлайди.ё


Леонардо да Винчи акс таъсир қонуниятларининг шарт шароити ва унинг ранг ва соя-ёруғликда тутган ўрнига оид текширувлар олиб борди ва рангтасвирдаги рефлекслар ҳақидаги таълимотни очиб берди. Шу қонун орқали осмон остидаги борлиққа атмосферанинг таъсир доирасини кўрсатди. Бундан шундай хулосага келинадики, нур кам етиб бораётган буюмларнинг ранглари кам эътибор тортувчи, яъни ёритилган буюмларнинг ранглари нурнинг кўп камлигига қараб турли тусда ва жозибادا намоен бўлар экан.



Леонардо да Винчи доимо ёритиш ҳолати турлича бўлган буюмларни тасвирлашда онгли равишда мушоҳада билан ёндашиш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бу мақсадга олиб борувчи энг тўғри йўл эканини айтади. Кўраётган нарсани, кўзи қандай кўрса шундай тасвирлаётган rassom онгни ишга солмас экан, у тош ойнани эслатади, чунки ойна олдидаги барча предметларнинг аксини кўрсатади холос, уни ўрганиш ва тушунишга ҳаракат қилмайди деб уқтиради у.

Табиатни ўрганиш жараёнида А.Вунит мукамаллиги ҳақида уқтириб ўтади: “Инсон даҳоси қанчалик кашфиётлар яратмасин... у табиат яратган гўзаллик ва муносиблик олдида ожиз, чунки табиатда бирор нарсанинг камчилиги ёки ортикча жойини учратмаймиз”.

Леонардо да Винчи таълимотининг асосини табиатни ҳар томонлама чуқур ўрганиш натижасида рангтасвирнинг мохиятини очиқ бериш мумкинлиги масаласини қўйган. Шунинг учун униинг ўнгитдирлиги риюя қилган кўплаб мусаввирлар кейинчалик тасвирий санъат соҳасида юкори маҳорат чўккисига чиқдилар. Маълумки, «Панор» рангтасвирининг ривожланиши манзара рангтасвири билан ўзаро узвий боғлиқдир. XVII асрда яшаб ижод этган Голланд рассомлари европалик рассомлар ичида, биринчи бўлиб манзара рангтасвирига мустақил жанр сифатида мурожаат этдилар. Шу даврга келиб манзарачи рассомлар билан бир қаторда бошқа жанр рассомлари ҳам табиатни алоҳида эътибор билан кузата бошладилар.



Шу сабабдан ҳам табиат ҳолатларини кузатиш, қаламчизгилар ва этюдлар ишлаш, табиатни ўзига хос ҳолатига эътибор бериш, рангтасвирчи рассомни тайёрлаш, вояга етказишнинг муҳим шарти ҳисобланган.

Натурадан «этюд»лар ишлаш нафақат маизарачи рассомлар ижодий амалиётининг муҳим омили бўлди, балки - XVIII аср тарихий

жанр рассомларининг ҳам асосий машғулотларига айланди. Улар тасвирларни шартли бажариш услубини енгиб, бу даврда манзаралар шу услубда бажарилар эди, раиғтасвирни реалистик йўналишда ривожланишига катта хисса қўшдилар, борлиқни объектив, ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, «ПЛЕНЭР РАНГТАСВИРИ» ВУЖУДГА КЕЛИШ ЖАРАЁНИДА Фарбий Евроиа санъатида «ПЛЕНЭР» ривожлаишининг учта асосий йўналиши якқол бажарилади, улар: 1) табиатии ўрганиш жараёнида рангтасвирдаги ижодий амалиётни янада мукаммаллаштириш; 2) ҳаққоний рангтасвир назариясининг шаклланиши; 3) манзара санъати ривожланишининг асосий услубий ишланмаларидир.

XIX асрда яшаб ижод этган инглиз рассоми жаҳон тасвирий санъатида Д.Констебль «ПЛЕНЭР РАНГТАСВИРИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ» ривожланишида ўзига хос ўрнига эгадир. Унинг шахсий тажрибаси, маизара жанрига қўшган салмоқли улуши, «ПЛЕНЭР» соҳаси ривожига оид тавсияномалари ҳозирги кунларда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Констебль маҳоратини доимо чархлаб боргаи, этюдлар ва мусаввалалар бажариш бу соҳада унинг асосий севган машғулоти бўлган.

Констебльнинг бадиий карашлари, айникса унинг «ПЛЕНЭР» рангтасвирийи амалий услубда ўрганиш, XIX аср 30-60 йилларидаги бирканча Европа бадиий мактаблари тарбияланувчиларига намуна сифатида хизмат қилди. Француз тасвирий санъати вакиллари. Э.Делакруа, Ж.Мишель, К.Коро, Ж.Ф.Милле, Т.Руссо, Э.Манэ, К.Писсаро ва бошқалар шулар жумласидандир.

«ПЛЕНЭР» рангтасвири соҳасида «барбизон мактаби» вакиллари жуда катта ютуқларга эришдилар, улар реалистик бадиий оқим вакиллари бўлиб, француз манзара жанрида ўзига хос ўринга эга. Улар XIX аср 30-60 йилларида Париж яқинидаги Барбизон кишлоғида ижод қилганлар, улар Т.Руссо, Ж.Дюпре, Н.Диаз, К.Тройои ва Ш.Ф.Добиинлар эди.




Ана шу рассомлар билан бир даврда яшаб ижод қилган Ж.Ф.Милле ижоди ҳам асосан дехконлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳаққоний манзара жанри рангтасвирига улкан ҳисса қўшган.

Барбизонликлар асарларида оддий қишлоқ ҳаётига оид мотивлар акс этган, улар: ўрмонлар, дарёлар, ўтлаб юрган жониворлар тўла яйловлар, қишлоқчалардан иборат бўлган қўринишлардир. Буларнинг барчаси ҳаво ёруғлик мухити натуранинг ранг бойлигини тўғри белгиланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Барбизонликлар расмий француз академиясига қарши, ўзларининг ижодлари билан натурадан ишлаш натижасида, гўзалликни тушунишнинг янги талқинини очиб бердилар.

Француз импрессионист рассомлари табиат кўйида, очик ҳавода ишлашнинг янгича ўзига хос қирраларини кашф этишга эришдилар. Улар К.Моне, К.Писсаро, П.О.Ренуар, А.Сислей ва бошқалар эди. Улар ўз ижодларида буюмлардаги ашёвийликдан қочиб, ранг орқали оний таассуротни томошабинга етказиб бериш вазифасини мақсад қилиб кўйдилар.

Бунинг натижасида табиатни доимо кузатиш жараёнида импрессионистлар умумий тус ва колорит ечимига асосланган тасвирлар яратишга эришдилар.



Бу рассомлар ижодига баҳо берар экан К.Юон шуидай дейди: “Қадимги усталар буюмларни ҳаво муҳити фонида бажарган бўлсалар импрессионистлар аксинча, ҳаво муҳитини буюмлар фонида бажарганлар”. Бунга мисол тариқасида француз рассоми Моненинг “Руан собори” асарини мисол қилиб келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу асарда моддий оламдан деярли ҳеч нарса қолмаган, лекин илгари Монегача қузатилмаган ажабтовур бўёқларнинг ёрқин ранг-баранг ўйини ўз аксини топган. Моне “Руан собори” манзарасини қирққа яқин вариантларини ишлагани маълум.



Яна бир таникли рассом Сезанн ишлаган манзараларда эса буюмларнинг ашёвийлиги, уларнинг пластик ҳолатлари, ҳажмларнинг органик бир бутунлигидан иборат тасвирларии кўрамиз.

## **ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА «ПЛЕНЭР»НИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Ўзбек миллий тасвирий санъатида «пенэр» рангтасвирининг вужудга келишини, ўрта асрларда кенг ривожланган миниатюра санъатида илк бор учратишимиз мумкин. Бу тасвирларда биз табиат кўринишларининг шартли равишда ифода этилганини, дарахтлар, ариқлар, тоғлар, жониворлар ва одамларни маълум конуниятлар асосида акс эттирилганлигини кўрамиз. Миниатюра санъатининг ўзига хос эстетикаси, тасвир тили мавжуд бўлиб уйда тасвирланган объектлар шартли кўринишлар тарзида бажарилар эди.



Реалистик рангтасвир Ўзбекистон худудига, XVIII-XIX асрларда кириб келди ва ривожлана бошлади. Бу даврда ижод этган рассомлар асосан европа тасвирий санъати анъаналари руҳида ишлар, шу мактаб услубиятларига суянар эди. Ҳақ йиллари яритилган асарларнинг деярли ярмидан кўпида, манзара ёки меъморий ёдгорликлар тасвирини кўрамыз. Сюжетга асосланган воқеабанд картиналар эса табиат билан боғлиқ бўларди, яъни «плеиэр» рангтасвири принциплари шу даврлардан бошлаб ривожланиб келди, деб айта оламиз.



Бу даврнинг ҳам ўз намоёндалари мавжуд эди. Улар орасида С.П.Юдин, Р.К.Зоммер, Л.Л.Бурэ каби рассомларни мисол сифатида келтириш мумкии. С.П.Юдин ижодида, тоғ манзаралари, кишлоклар кўринишлари, табиатнинг драматик ҳолатлари тасвирланган манзараларни кўриш билан бир қаторда батал жанрида ишланган жанг манзараларини ҳам учратишимиз мумкин.

Р.К.Зоммер ва Л.Л.Бурэлар ижодида эса асосан меъморий ёдгорликларнинг, ўша даврдаги кўчалар, чойхоналар ва бошқа шуига ўхшаш пленэрда бажарилган асарларни учратамиз. Улар орқали Ўзбекистоннинг қуёшли иссиқ табиати, ўша давр одамлари хақида айрим маълумотга эга бўламиз.

Юртимиз куёшини алоҳида илҳом билан бадиий асарларда куйлаган ижодкорлар орасида П.П.Беньков ўзига хос ўринга ва эътиборга сазовор рассом ҳисобланади. У Ўзбекистонда ўзининг ҳеч кимга ўхшамайдиган мактабини яратди.

Павел Петрович Беньков 1930 йилда ўша йиллардаги Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқандга кўчиб келди. Шу ерда меъморий ёдгорликлар, эски кўчалар, боғлар, шу ернинг одамлариини тасвирлар экан бизнинг тасвирий санъатимизга ўзининг улкайи ҳиссасини қўшди. П.Беньков ўз ижоди билан бир каторда, педагогик фаолият ҳам олиб борди. Ҳозирги республика рассомчилик коллежига ўша даврларда у асос солди. Маҳаллий кадрларни тарбиялашда ўзининг маҳорати, тажрибаси ва меҳрини аямади.

Ўзбекистон «пенэр» раиғтасвирини яратишда, тинимсиз изланиб бир талай асарлар яратиб қолдирди. Бу асарларнинг қурилиши, раиғ политраси, композицияси тасвирий санъат услубият аиъаналарининг юксак намунаси ҳисобланади. “Узум териш”, (Дугоналар), асари «пенэр»да бажарилган, ишқомлар орасида узум терувчилар гуруҳи тасвирланган, ток барглари орасидан тушаётган қуёш нурлари узум доналарига урилиб уларни ёритиб ўтиши ундаги раиғ кайфиятиниинг асосини ташкил этиб, ўзига хос жозибани ҳосил қилмоқда. Картина олдиға яқинлашган киши ўзини гўё узумзорда тургандек ҳис қилади.



П.П.Беньков устозлик қилиб, тарбиялаган рассомлар З.Ковалевская, Л.Абдуллаев, А.Абдуллаевлар ҳисобланадилар.

Кейинги авлод рассомлари ҳам, Беньков ижодий меросини ўзларига асосий мактаб сифатида шу кунларгача ўрганиб келадилар.

Кейинги даврларда ижод қилган буюк манзарачи рассомлардан Ў.Тансиқбоев ижодининг асосини ҳам «ПЛЕНЭР» ташкил этади. Унинг манзаралари кенг планли бўлиб, юртимиз тоғлари, дарёлари, воҳаларини тасвирлар экан, уларнинг ранг колоритини моҳирона белгилайди. Ижодининг бошларида шартли изланишларга асосланган бўлса, кейинги пайтлардаги манзара асарларида реалистик рангтасвир принципларини ривожлантириб моҳирона ранг гаммасига эришди. «ПЛЕНЭР» рангтасвирида ўз ўрнига эга бўлиш билан бирга бир қатор бир-бирига ўхшамаган манзара асарлари қолдирди. “Менинг қўшиғим” асари Ўзбекистон манзарачилигига бағишланган ўзига хос мадҳия десак хато бўлмайди.

Ў.Тансиқбоев билан бир даврда ижод қилган ундан кейинги авлод рассомлари орасида ПЛЕНЭР рангтасвири билан узвий боғлиқ ҳолда ишлаган рассомларга Н.Қўзибоев, М.Саидов, Р.Аҳмедов кабиларни мисол қилиб келтириш мақсадга мувофиқ десак янглишмаймиз. Чунки уларнинг рангтасвир асарлари «ПЛЕНЭР» билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Академик рассом Раҳим Аҳмедовнинг “Оналик ўйлари” портрет асари рассом ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Унда тасвирланган аёл образи, ташқарида дарахт соясида ўйга чўмган ҳолда ўгирибди. Асар жуда моҳирона, уйғун колоритда, ранглар гаммасининг ўзига хослигида бажарилган. Бу асар тарихини ўрганганимизда муаллиф бу асарни талабаларга ўқув постановкаси сифатида қўйгани ва уни талабаларга қўшилиб ўзи ҳам ишлаганининг натижасида яратилганини ҳикоя қилиб берган эдилар. Шу тариқа ўзбек санъатидаги нодир асарлардан бири яратилганига гувоҳ бўламиз. Мадомки шундай экан талабалар амалиётини ташкил этиш унга қўйиладиган талаблар, вазифалар ҳақида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

## «ПЛЕНЭР» РАНГТАСВИРИ МУАММОСИНИНГ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ

Мустакиллик давридаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш натижасида мамлакатимизда, ишлаб чиқаришга компьютер воситаларининг тадбиқ этилиши натижасида ҳаёт тақозоси сабабли махсус бадиий таълимга эга бўлмаганлар ҳам дизайн соҳасида шуғуллана бошлашди. Бу эса ўз навбатида дидсиз нарсаларнинг пайдо бўлишига, реклама объектларининг ранглари нотўғри танланишига, уйларнинг ички ва ташқи кўринишларини безашда хатоликларга сабаб бўлмоқда. Ҳаётимизга рангларнинг фаол кириб келиши, ҳозирги замонда колористик қобиляти ривожланган мутахассисга бўлган талабни кучайтирди. Шу сабабдан талабаларнинг ранг кўриш қобилятларини шакллантириш муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Маълумки, ранг кўриш қобилятини шакллантириш масаласи - рангтасвири ўқитишнинг асосий ва муҳим вазифаси ҳисобланади. Тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш иши ўз хусусиятига кўра нафақат педагогик маҳоратни ўргатиш, балки, мустақил ижодий ишга йўналтирилган, қобилятли рассомни тарбиялашни ҳам мақсад қилиб кўяди. Ранг билан ишлаш маҳоратини оширишни колоритни ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. У рангтасвирининг энг таъсирчан ва ҳиссий воситаси бўлиб, бадиий образ яратишда фаол иштирок этади. Атроф муҳитни кузатишни ўрганиш ўз навбатида тасвирланаётган объектга эстетик руҳ бериш, ундаги рангли олами ҳис этиш туйғусини тарбиялашда алоҳида ўрин тутди.

Дарҳақиқат, ҳозиргача манзара жанрида колористик қобилятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ўқув жараёнининг назарий ва услубий масалалари тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Колорит масалаларига ҳос вазифаларни ҳал этиш ҳозирча талаб даражасида эмас. Шунинг учун асосий эътибор яхши тусларга эътибор қаратилмоқда, натижада табиатдаги табиий рангларнинг боғлиқликлари назардан четда қолиб келмоқда ва етарли даражада ўрганилмаяпти. Нарсаларнинг ҳажми тусли муносабатлар ёрдамида

тасвирланиб, кўпчилик ҳолатларда талабалар бўёқларни ўзлари бажараётган этюдларида ранг ва колоритни тўлақоили ифодалаш имкониятларидаи фойдаланишмаянти. Чунки талабаларнинг ранг сезиш маҳорати ва бадий тафаккури етарли даражада эмаслиги маълум бўлмоқда. Бу ҳолат манзаранинг рангтасвирида жуда долзарб эканлигини «пенэр амалиёти»да яққол кўриш мумкин. Бунда «пенэр»да бажариладиган ранглавҳалардаги ёритилган буюмлардаги нур ва рангни, табиатнинг ўзгариш ҳолати ва унда жойлашган объектларни ҳолатлари назарда тутилади. Юқоридаги мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, таълим-тарбия жараёнидаги машғулотларда «пенэр амалиёти»даги рангтасвир бўйича ўтказиладиган дарсларда муаммолар мавжуд. Демак илмий–педагогик ечимини топмаган вазифа сифатида талабаларда рангларни кўриш қобилятларини ўстириш шакллантириш лозим. Бу эса «Колорит» тушунчасини чуқур ўрганишни ва ҳаётга, ижодга тадбиқ қилишни тақозо этади.

«Колорит назарияси»ни яратишда Н.Н.Волков, Г.Щеголь, К.Ф.Юон Б.В.Иогансон каби таниқли рус рассомлари ва санъатшунослари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Масалан, А.А.Васильевнинг “Рассом-педагогларни тайёрлашда пенэр рангтасвирини дастлабки таълимининг назарий ва укув асослари” китобида “пенэр рангтасвири” тушунчаси кенг ёритилиб, унинг устахона шароитидаги рангтасвирдан фарқи хақида фикр юритади. У устахона шароитидан очиқ табиат манзарасига ўтишни тавсия этади. Шунингдек, «пенэр» шароитида ёруғликни таъсирида рангларнинг ўзгаришини ўрганиш учун кнсқа муддатли тоишириқларнинг ишланмасини ҳамда умумий тус бирлигини акс эттирувчи узоқ вақтга мўлжалланган машқлар туркумини ишлаб чиқади. Мисол учун тайёрлов машқлар каби натюрмортни тавсия қилиб, маизара муносабатларига (ер, осмон, сув) яқин бўлган машқларни ишлатади. Бу вазифанинг муҳимлиги шундан иборатки, табиатдаги барча буюмларни бир карашда илғаб олиш жуда мураккаб, шу сабабли талаба асосийсини ажратиб кўрсата олмайди. Шунинг учун дастлабки маизара этюдини тасвирлашда кенг фазони

эмас, масалан, ҳовлининг кичик қисмини ишлаш тавсия этилади. У манзара, натюрмортни ишлаш бўйича тадқиқ қилган, портрет соҳасида маслаҳатлар берган. Қўлгина олимларнинг фикри шунини кўрсатадики, талабаларнинг манзара устида ишлаш малака ва кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

В.М.Соколинскийнинг “Манзара композицияси этюди талабалар ижодий маҳоратини ривожлантириш воситаларидан бири сифатида” номли илмий ишида талабаларнинг ишларидаги манзара композицияси билан боғлиқ муаммоли масалалардан бири ечимини кўриб чиққан. Бошланғич курслардаги ўқув амалиёти бўйича «ПЛЕНЭР» рангтасвирини кузатиш натижасида ўқув жараёнидаги назарий билимлар «ИЛЕНЭР» рангтасвирини ўргатиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. В.М.Соколинский бу ўринда қуйидаги турдаги вазифаларни мунтазам бажаришни тақлиф этади: ўқув устахоналарида қўшимча машғулотлар ўтказиш; ўқитувчи раҳбарлигида этюдларга чиқиш; талабаларнинг дарсдан ташқари вақтда мустақил шуғулланишлари; манзара усталари ишларидаги нусхалар кўчириш; хотирадан ишлаш; адабий асарларга иллюстрация ишлаш; манзара тасвирланган педагогик қаламтасвир ишларини бажариш; турли тасвир воситалари билан ишлаш; ўқув манзара ишини жамоа бўлиб таҳлил қилишлардан иборат. Аммо бу илмий тадқиқот ишида талабаларнинг колоритни кўриш қобилиятлари масалалари тўлиқ етарлича ёритилмаган.

С.Е.Токарев эса ўз илмий ишида кўриш қобилиятини такомиллаштириш усуллари тизимини тақлиф этади, бунда у ассоциатив фикрлашни ривожлантириш ва ранг тусларини қарама-қаршилиқ ҳолатини тадқиқ этишни асослаб берган. У ўзининг илмий ишида бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бири билан боғлиқ услублардан фойдаланишни қуйидагича назарда тутди: амалий ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат уюштириш, педагогик тажрибадан фойдаланиш, кўриш қобилиятини ривожлантириш, тасвирлаш, кўрсатиш-намоиш этиш. Бу босқичлардаги юкланган вазифаларни бажаришда ўқитувчи шахсий намуна бўлиши муҳим деб белгилайди олим. С.Е.Токарев тақлиф

килаётган ривожлантирувчи тизими: кўриш, ижодий имкониятларни ўстирувчи машғулотлар; рангли доғ усулида маъносини тасвирловчи машғулотлар; кўп планли манзарада фазовий жойлашувини ҳал этиш юзасидан вазифалар; катта сатҳда амалий ишлар бажариш кабилардир. Тавсия этилаётган тизим икки қисмдан иборат: Биринчиси – қисқа муддатли амалий ишларни бажариш. Бу жараён батафсил таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган. Иккинчиси – кўп планли қурилмалар ва чуқур фазовий характердаги манзара композицияси бажаришни ўз ичига олади. Унинг умумий кўриниши ишлаб чиқилган, бироқ колорит масалалари бўйича аниқ кўрсатмалар кам ёритилган.

“Пленэр” деб номланган Н.Я.Масловнинг ўқув қўлланмасида иш турлари кўрсатилган, мақсадлари қўйилган, лекин аниқ тавсифлар берилмаган, ишларнинг формати, сони қанча бўлиши ҳақида маълумотлар кўрсатилмаган. Бу фикрлар биринчи босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, “табиат ҳолати” мавзусини ўрганишга тегишли. “Манзара бўлаклари” масаласи деярли тўлиқ ёритилган. Дастлабки ўрганаётган бўлажак рассомларга мавзули композицион характердаги вазифаларни ечиш тизими тавсия этилади. Лекин «плеиэр» шароитидаги тасвирланадиган буюмларнинг ранг хусусиятларини ишлаб чиқиш вазифаларига унчалик ҳам эътибор қаратилмаган. Рангларнинг умумийлиги, иссиқ-совуқ ранглари, ранг тусларини аниқлаш бўйича топшириқлар умуман кўрсатилмаган.

Е.А.Хижнякнинг “БГФ талабаларининг колористик кўриш қобилиятларининг шакллантиришда рангтасвир дарсларининг аҳамияти” деб номланган илмий ишида, ранг уйғунлиги ва колорит тушунчалари ҳақида гап юритилади. Талабаларга аниқ назарий билимлар мажмуаси таклиф этилиб, фазони, ҳажмни рангда ифода этиш усул ва услубларини тавсия этган. Тадқиқотнинг асосий мазмуни талабалар устахона шароитида натюрморт, портрет, гавдани рангтасвир дарсларида тасвирлашга асосланган. Унинг тадқиқотида манзарага кам эътибор қаратилиб, табиатнинг турли ҳолатларини кузатиши (тонг, оқшом, шафақ, субҳ, ёмғир, чақмоқ) ёруғликнинг ўзгаришини тасвирлаш мумкин бўлган жанри, қайсики устахона

шароитида эришиб бўлмайдиган колористик кўришни ривожлантиришга кенг материал берадиган жанр ҳақида кам ёритилган.

Юқорида мисол келтирилган манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, муаллифларнинг илмий ишларида «пенэр» шароитида шуғулланиш ва уни тасвирлашда нималарга эътибор бериш ҳолати тўлиқ ёритилмаган. Ранглар яхлитлиги, бўёқларни иссик-совуқ жиҳатларини кўрсатиб бериш бўйича машғулотлар ишланмалари берилмаган. Ранг муносабатлари билан ишлаш жараёни «пенэр рангтасвири» учун асос қилиб кўрсатмаган.

Кўникма ва малакаларини оширишда асосий тўсиқларда бири, «пенэр» амалиёти олий ўқув юртларда (Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон), асосан, I,II,III босқичларда ёзнинг бир ой давомида баъзиларда эса бундан ҳам кам вақт кўрсатилган. Колористик қобилиятларнинг ривожлантириш ва рассом-педагогнинг шакллантириш учун «пенэр амалиёти»ни куз ва баҳор фаслларида ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўй давомида олган ранг гаммалари бўйича назарий билимларни амалиётда тўлиқроқ ўрганишга эришиш мумкин бўларди. Ҳозирги вақтда эса талабалар ўқув семестрини тугагани – яъни, ёз вақтини кутиб, ўқув йили мобайнида манзара мавзусига қўл урмайдилар. Бўлажак ўқитувчилар манзара ишлаш маҳоратини яхши эгаллашлари керак, чунки улар мактаб ўқувчилари билан ишлаш жараёнида, умумтаълим мактаб, касб-хунар коллежи дастурида кўзда тутилган манзарани, тушунтириш ва ишлашларига тўғри келади. Бу ҳолатда пайдо бўлган муаммони ва юқори малакали мутахассис тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларидаги қарама-қаршилиқлар, педагогик ўқув юртларидаги талабаларнинг колористик кўришларини шакллантириш жараёнини, замонавий ўқув воситалар ва компьютер технологиялари асосида эмас, балки «пенэр» шароитида, манзара рангтасвирини амалда бажариш дарслари орқали амалга ошириш мумкин.

Илмий ва ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш, машҳур рассом-педагогларнинг тажрибасини таҳлили бизга тарихий нуқтан назаридан ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини очиқ беришда

таянч асосларини аниқлаб берди, «ПЛЕНЭР» рангтасвиридан машғулотлар ўтиш укувасини ва унинг ривожланиш йўлларини белгилаб берди.

Шу сабаб «ПЛЕНЭР» рангтасвирининг вужудга келиши тарихи, ривожланиши ва унинг шаклланиши, тасвирий санъатдаги манзара жанри тараққиёти билан узвий боғлиқ деб айта оламиз.

Маълумки, манзара – рангтасвирининг энг кенг тарқалган жанрларидан биридир. Унинг ривожланишини кузатар эканмиз, бунга амин бўламиз. Аммо унинг пайдо бўлган даврларида колорит ҳақида гапириш ҳали эрта эди, чуқи у ҳали шаклланаётган ва манзаранинг фақат элементларигина намоён бўлаётган эди. Шу сабабдан бир неча авлод рассомлари унга ўз иқтидорларини, истеъдодларини сарфлаб ривожлантиришга ҳиссаларини қўшдилар.

### «ПЛЕНЭР» АМАЛИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ

«ПЛЕНЭР» амалиёти тасвирий санъат йўналишидаги факультетларда таълим жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланиб келган, унинг аҳамияти рассом-ўқитувчиларини тайёрлашда бекиёсдир.

Табиат қўйнида ишлаш талабаларнинг ўқув-устахоналарида олган билимларини, мутахассислик фанлари қаламтасвир, рангтасвир ва композиция соҳасидаги кўникмаларини шакллантириб, мустаҳкамлаб уни ривожланишига шароит яратади.

Ҳар хил ёруғлик шароитида, узоқ яқинлиги турлича бўлган муҳитда мусаввада-чизгилар бажариш ва этюдлар ёзиш, қаламлавҳалар ишлаш шулар жумласидандир. Амалиёт жараёнида талабалар кузатиш қобилиятларини шакллантирадилар, табиат кўринишининг ўзига хос қурилишини, тузилишини таҳлил қиладилар, уларнинг ранг муносабатларини ўрганадилар, ёруғлик – ҳаво муҳитини идрок этишни мушоҳада қиладилар. Шу билан бир қаторда турли тасвир воситаларидан фойдаланишни, қандай ҳолатда қайси ашёдани фойдаланиш услубларини ҳал этиш муаммоларини ўрганадилар.

«Пленэр» шароитида ўтказилган амалиёт талабанинг юксак даражада маҳорати ўсиши, дунёқарашининг шаклланиши, умумий маданияти ўсишига сабаб бўлади. Чунки уларнинг эстетик тарбияси hozirги давр мактабининг долзарб масаласи хисобланади.

Пленэр амалиёти давридаги талабанинг мажбуриятлари:

1) Машгулотларга яхши, тўлиқ ҳолда тайёрланганлик, очик ҳаво шароитида ишлаш учун барча материаллар ва ўқув-куролларининг етарли бўлиши.

2) Иш тартибига киритилган барча вазифалар ва машгулотларга тўлиқ эътибор билаи қатнашиш.

3) Амалиёт ташкил этилган масканнинг ҳудуди, ички тартиб-қоидаларига сўзсиз риоя қилиш.

4) Амалиёт тугаши билаи кафедрада ўтказиладиган кўргазма - кўриққа ўзи бажарган ишларни тақдим этиш.

5) Қониқарсиз баҳо олган ҳолатда, мустақил ишлаш учун кафедрадан вазифа олиш.

## 1 КУРС УЧУН НАМУНАЛАР



1.Leslie Frontz, The watercolour course. New York-2015. (25-бет)



Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси






Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



**Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



ўқув вазифаси






Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси

Leslie Frantz, The watercolour course. New York-2015. (60-64бет)

## 2 КУРС УЧУН НАМУНАЛАРИ



Ўқув вазифаси




Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



укув вазифаси



**Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



■ **Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси




ўқув вазифаси



ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



**Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси




Ўқув вазифаси



**ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



**ўқув вазифаси**



**ўқув вазифаси<sup>2</sup>**

---

<sup>2</sup> Suzanne Brooker The Elements of Landscape Oil Painting: Techniques for Rendering Sky, Terrain, Trees, and Water. United Kingdom-2014.

### 3 КУРС УЧУН НАМУНАЛАРИ



**Ўқув вазифаси**



**Ўқув вазифаси**



**Ўқув вазифаси**



**Ўқув вазифаси**





Ўқув вазифаси<sup>3</sup>



<sup>3</sup> Paul Thomas, Anita Taylor Drawing (Foundation Course). London 2011. (46-47-58 бетлар)



Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





Ўқув вазифаси





**ўқув вазифаси**



**ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



**Ўқув вазифаси**



**Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси







ўқув вазифаси



**Ўқув вазифаси**




**Ўқув вазифаси**



Ўқув вазифаси



Ўқув вазифаси



### уқув вазифаси



**Ўқув вазифаси<sup>4</sup>**

---

<sup>4</sup> Suzanne Brooker The Elements of Landscape Oil Painting: Techniques for Rendering Sky, Terrain, Trees, and Water. United Kingdom-2014

## ДАЛА АМАЛИЁТИНИНГ МАҚСАДИ - ВАЗИФАЛАРИ

Дала амалиётини ўтказишдан мақсад – бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини қаламтасвир, рангтасвир, композиция, тасвирий санъат технологияси фаиларидан аудиторияда олган назарий билим ва амалий кўникмаларини очик ҳаво шароитида қўллай олишга ўргатиш, ижодий қобилиятларини ўстиришдан, тасвирий санъатга мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятга пухта тайёрлашдан иборатдир.

Дала амалиётининг вазифаси. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини бадий жихатдан тарбиялаш, уларнинг бадий дидларини юксалтириш, табиат қўйнида санъат асарлари яратиш, тасвирий санъат асарларини кўриш ва тушуниш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Шунингдек, талабаларга, бўлажак рассом-педагогларга кўриб-кузатиб, таҳлил қилиб туғри тасвирлаш, атроф-мухитни, борлиқни идрок этиш, ранг сезиш, рангтасвир асарларини яратиш малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Реалистик рангтасвир ишлаш саъяти борлиқни ҳаққоний образларда ифода этиш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

### Дала амалиётининг ҳажми ва мазмуни

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий (лекция)	-	-
2	Амалий машғулот	252	И-72, IY-144,
3	Лаборатория машғулот	-	-
4	Мустақил иш	-	-

### Ўқув амалиёти ишлари мазмуни

1. Дала амалиёти «пенэр»нинг бакалаврлар тайёрлашдаги ўрни. Аудитория машғулотлари билан очик ҳавода ўтказиладиган амалий машқларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари: чизикли ва фазовий перспективанинг очик ҳаводаги кўринишлари. Ёруғ-соя қонунлари, уларнинг интерьер ва экстерьердаги фарқлари. Спектр ранглар. Рангларнинг асосий

хусусиятлари, ранг туси, ёруғлиги, тиниклиги ва тўйингаилиги. Талабаларга акварелда қисқа муддатли ранглавҳалар бажариш методларини ўргатиш.

2. Ўсимликлар, гул ва буталарни тасвирлаш. Материал: қалам, пастель, акварель бўёқ, ватман қоғози, 12-15 та вазифа 40x30 см. қоғоз сатҳида.

3. Дарахт танаси, шохлари, тош, қояларни тус ва рангларини фарқлаб тасвирлашга эришиш. Материал: қалам, пастель, акварель бўёқ, ватман қоғози, 10-12 та вазифа 40x30 см. қоғозда.

4. Турли дарахт турларини тасвирлаш: ёйғоқ, ўрик, олма. тол, терак, ток. Дарахтларнинг ранглардаги фарқлари, ўзига хослиги, соя ва ёруғдаги ҳолати.

5. Турли ҳолатдаги табиат манзарасини тасвирлаш куннинг эрталаб, пешин, кечкурун вақти, қуёшли ёки булутли ҳавода ер, осмоннинг ҳолати.

6. Очiq ҳавода уй-рузғор буюмлари ва сабзавот ёки мевалардан тузилган натюрморт: дарахт тагида, предметларнинг «ПЛЕНЭР»даги ҳолатини акс эттириш.

7. Очiq ҳавода қуёш тушиб турган катта ҳажмли буюмлардан тузилган натюрморт: ўчоқ бошида, қозон, челақ, ўтинлар, ош масаллиқлари. «ПЛЕНЭР» ҳолатида тиниқ қуёш нури, иссиқ ёруғ, совуқ соя, кучли рефлексли ҳолатларни тасвирлаш.

8. Унча узоқ бўлмаган масофадан манзара рангтасвири: уфқ чизиғи ҳаво, ер, дарахтлар, катта-кичик тошли, оқар сув кўриниши тасвири. Олд, орқа кўриниш, ҳаво перспективаси, ёруғлик ҳолати, ранг ва тус муносабатлари.

9. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши манзараларини тасвирлаш:

а) автобус бекати, ҳиёбонлар, сув устида чархпалак каби манзаралар.

б) Қишлоқ манзараси: оқар сув устидаги кўприк, тоғ манзараси, қишлоқ уйлари, қишлоқда оқшом қабилар.

10. Табиатни турли ҳолатини одам иштирокида тасвирлаш: очiq ҳаво, қуёшли, булутли ҳаво, ёмғирли кунлар, ҳаво перспективаси, ердаги предметларнинг ҳолатига ахамият бериш.

11. Одам калласини очик ҳавода «пенёр»да тасвирлаш. Сояда дарахт остида ўтирган одамнинг боши тасвири 40x30 см ўлчамдаги қоғозда. Қуёш нури тушиб турган қиёфани елка қисми билан акс эттирилган.

12. Қишлоқ хўжалик атрибутларидан ранглавҳа: жамоа хўжаликларидаги от-арава, трактор, юк машина, автобус кабилар. Иш жараёнларини ҳаётӣ ҳаққоний тасвирлаш.

13. Кўп планли масофага эга манзара тасвири. Узоқ масофани тасвирлаш: биринчи планда майса, гуллар, тош ва йўл, иккинчи планда дарё қишлоқ ва тоғ ён бағирлари бўлиши мумкин. Ранг ва тус муносабатлари.

14. Кўргазма – кўрикка тайёргарлик ишлари.

## **ҚАЛАМТАСВИР БЎЙИЧА ЎҚУВ-МАШҚ АМАЛИЁТИ**

Табиатга чиққан талабалар қаламтасвир соҳасида аудиторияда олган билимларга суяиган ҳолда, уни ривожлантирадидлар. Биринчи дарсдан бошлаб улар оддий вазифаларни, яъни бир карашда илғаб олиш мумкин бўлган объектларни, буталар, ўсимликлар, тошларни ишлайдилар. Шундай қилинганда юқоридаги объектларни қоғозга тўғри жойлаштириш анча осон бўлади. Дарахт танасининг алоҳида бўлақларини тасвирлаш ҳам шулар жумласига киради. Бундай вазифаларни маълум муддатда бажариб, сўнгра кейинги вазифага ўтадилар.

Кейинги жараёнда манзаранинг маълум бир сюжети раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда, ўзлари танлаган манзара кўриниши ишланади. Амалиёт ўтказилаётган ҳудуддан узоқлашмаган ҳолда бир канча композиция ва мавзуга асосланган ишлар бажариш мумкин.

Манзара қаламтасвирини бажариш жараёни талабаларга кўпгина қулайликлар туғдириб, унда тасвирланаётган нарсаларни қайси бирига кўпроқ эътибор қаратиш, қайси бирини шунчаки белгилаш йўли билан тасвирлаш мумкинлигини ажратиб олишга ўргатади, бу эса улар тасвирлаётган жойнинг характерни очиб бериш йўлини белгилайди.

Кундалик изланишлар жараёнида талаба манзара каламтасвирини бажарар экан унда манзарадаги асосий нарсаларни ажратиб ишлаш малакаси ривожланади ва у бу муаммони тезкор ҳал этиш йўлини тезроқ топади. Ҳар бир бажарилаётган қаламчизгилар бир соатдан уч соатгача бўлган вақтни ўз ичига қамраб олади. Бундан қисқа муддатда эса сифатли иш бажариш мумкин эмас. Чунки бу вақт ичида манзара кўриниши ўзгариб, кўёш ўз ўрнини ўзгартирган бўлади. Ишни бажаришдан аввал албатта энг қизикарли бўлган нуқтани танлаб олиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Кичик альбомга танланган жойнинг бир неча кўринишдаги ҳолатларини белгилаб олиш амали эса ишининг сифатини янада ошириш имконини яратади. Бундай композицион қораламалар асосий нарсаларни аниқлаб, белгилаб олиш учун бажарилади, шу сабабдан уларни бир неча муҳим чизиқлар билан ифодалаш лозим. Улар жойлаштирилаётганда томонлар мутаносиблигини сақлаш, симметрия, ритм каби жиҳатларга эътибор бериш керак. Шунинг учун баъзи нарсалар манзарага деталь сифатида кириши мумкин.

Манзара ишлаётганимизда унда ҳар хил бинолар, миноралар ёки бошқа иншоотлар учраши мумкин, уларни тасвирлашда иншоотнинг уфқ чизиғига нисбатан тутган ўрнини тўғри аниқлаш, уни ишонarli бўлишини таъминлайди. Цилиндр шаклидаги биноларни тасвирлашда, натюрморт ишланганда уларга ўхшаш шаклларни куриш тажрибасидан фойдаланилади.

Қаламтасвир ишини бажаришда тус катта аҳамиятга эга, у манзара ишланаётган пайтдаги ҳолатни беришда, тасвир объектларини масофада тасвирлашда қўл келади. Меъморий иншоотларда тўқ ва оч жойлар, қирраларини тасвирлаш, дарахтларни тасвирлашга нисбатан анча осои кечади, чунки ўсимликларнинг барглари бу вазифани бошқача ҳал этишни талаб қилади.

Ҳаво перспективасини тасвирлашда олдинда жойлашган буюмлар аниқ, тус жиҳатдан тўқ ишланса, ўртадаги нарсалар юмшоқроқ, олисда жойлашганлари эса оч тусда бўлиб уфқ чизиғига уйғунилашиб кетади.

«Пленэр-амалиёти» жараёнида узок муддатли каламтасвир ишларини бажариш билан бир каторда, каламчизгилар ва қораламалар бажариш муҳим ўрин тутади. Қоралама – мусаввалалар бажариш тезкорликни талаб этади, шунинг учун уни бажаришда тасвир объектнинг маъно-мавзуси, характерини очиб бериш осон кечади. Манзара қораламасини бажариш кузатувчанликни, табиатни яхлит кўриш қобилиятини, тасвир воситаларидан фойдаланиш малакасини оширади ва чизувчига индивидуал тасвир тилини топишга ёрдам беради.

Қоралама машқлар расом-педагогни бадий-ғоявий дунёқарашиинг бойишига катта ёрдам беради. Кўпинча тўғри бажарилган бундай тасвирлар манзара композицияни ҳал этишда асосий вазифани бажаради. Манзара элементларини алоҳида тасвирини бажариш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Меъморий иншоатларинг унча катта бўлмаган объектларнинг қаламтасвирини бир соатда ишлаш таклиф этилади. Унга бирор бир бинонинг бурчаги, декорлар билан безалган қисмлари, дераза ва эшиклар жойлашган қисмлари, хўжалик иншоатлари, қабилар қиради. Рельефли жойларини, ёғочлар фактурасини кўрсатиб беришда ёрдам беради, график усулда бажаришга ҳаракат қилиш тўғри бўлади.

Манзара қаламчизгиларини бажариш ҳар-хил график материаллардан фойдаланиш усулларини ўрганиш билан чамбарчас узвий боғлиқдир. Кумир, сангина, соус, пастель каби тасвир воситалари тасвир таъсирчанлигини оширишда кенг имкониятлар яратади. Шу боис у ёки бу ишни бажаришда аввал қайси тасвир воситаси ёрдамида бажаришни аниқ ҳал қилиб олиш муҳимдир. Юқорида айтилганидек буюм деталларини тасвирлашда кўпроқ оддий қалам техникасидан фойдаланган маъқул. Катта ва кенг манзараларни бажаришда, ҳар хил турдаги ва тусдаги ашёлардан фойдаланиш, мустақил ишлашга шарт-шароит яратади. Тажриба шуни кўрсатадики, талаба тасвир воситаларининг барчасини синаб кўриши, келажакда улардан оқилона фойдалана олишнинг омили ҳисобланади.

Юкори курс талабаларининг вазифалари эса анча мураккаб бўлиб, улар кўчалар, жойлашган уйлар, дарактлар гуруҳи, одамлар гуруҳи каби вазифаларни бажарадилар. Айниқса ҳаракатдаги одам гавдасининг қаламтасвирини жойлаштиришда уи тўғри топиш муҳимдир, у қотиб турмаслиги керак, у маъиоли динамик ҳаракатни билдириши, қаламтасвирнинг умумий сюжетиға жавоб бериши шарт.

Пленэрда қаламтасвир бажаришнинг яна бир сеанси тирик одам тасвирини бажаришдан иборат. Портрет қаламчизгисини ёки одам гавдасини очиқ ҳавода бажариш, аудиториясида ишлангандан фарқ қилади. Ташқарида ишланганда унинг фоии силлиқ девордан иборат бўлмай балки, ҳар хил узоқликдаги буюмлар ва бошқа омиллардан ташкил топган бўлади, унда одам ҳар томонда ёруғ-соя ва рефлекслар қуршовида бўлади. Шу сабаб аниқ қоилага эға бўлмайди. Портрет ишлашға мўлжалланган қоғознинг ҳажми турлича бўлиши мумкин. Буни талабанинг ўзи ҳал қилмоғи лозим. Кейинчалик пленэр амалиётида орттирилган тажрибаға суянган ҳолда, талаба ижодий ишлашға киришиб шу билимларни мустаҳкамлаши лозим.

Талабалардан талаб этиладигин нарса профессионал билим, ишға ижодий ёндашиш ва маҳорат аста секинлик билан келади.

## **РАНГТАСВИР БЎЙИЧА ЎҚУВ – МАШҚ АМАЛИЁТИ**

«Пленэр»да ишлаш рангтасвир курсининг асосий қисмларидан бирини ташкил этади. Буюмларни тасвирлаш қобиляти шу ерда ўзлаштирилади, уларнинг ранглари ҳаво муҳити таъсири остида бир мунча ўзига хосликка эға бўлади.

Этюдлар ишлашға бўлган асосий талаблар танланган манзара мавзуси, унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, табиат ҳолатини тасвирлашдан иборатдир. Биринчи галдаги вазифалар натурани тўғри танлаш ва уни мато сатҳидаги умумий кўриниши ва тусини аниқ белгилашдан бошланади.

Манзаранинг умумий туси унда жойлашган алоҳида элементларнинг ёруғлик орасидаги ўзаро боғлиқ ҳолдаги муносабатлардан ташкил топиб, у ёки бу ёруғлик муҳитида жойлашган буюмлар характерини очиб беради. Тўғри танланган

умумий тус ҳаво муҳитини ишонарли чиқишига, фазовий кўринишларнинг ёрқилиги ҳамда рассом танлаган мавзу кўриниши образини яратишда асосий вазифани бажаради.

Буюмларнинг табиатда қандай бўлиб кўриниши йил фаслига, кун ва тун пайтларига, булутларнинг кўп ёки камлигига, шуингдек, ёруғлик манбаига ҳам боғлиқ бўлади. Маълумки, ёруғлик даража ўзгаришларининг рангтасвирда тўлиқ тасвирлашнинг ҳеч иложи йўқ, чуқири рассом палитрасидаги ранглар кўлами анча чегараланган. Буни доимо ёдда тутиш лозим. Талабаларнинг «ПЛЕНЭР»да амалий иш бажаришлари, рангтасвир ишлаш жараёнида ундаги нозик ранг ўзгаришларини сезишга ўргатади ва натижада улар, табиатнинг у ёки бу ҳолати бир-бирдан нима билан фарк қилишини билиб оладилар.

Табиатни доим кузатиб, ундан тезкор этюдлар ишлаш жараёни натижасида кўзнинг ранг хис қилиши фаоллашиб боради, шу тариқа рассом палитрадаги бўёқларни, рангга айлантириш билан бирга, уларни рангтасвирнинг таъсирли воситасига айлайтиради. Бу эса ўз навбатида талабанинг маҳорати, билим савияси ва албатта меҳнатсеварлигига ҳам боғлиқ бўлади.

«ПЛЕНЭР» – рангтасвирни ўрганишнинг хусусиятларидан бири кишининг турли вақтларда этюдлар бажара олишидандир, чунки табиат тонгда бошқа, кун давомида яна бошқа, шафак пайтида яна ўзига хос ранг гаммаси ва колоритини ҳосил қилади. Масалан, тонг палласида ишланадиган ранглавҳаларида совуқ ранглар, кун мобайнида ишланадиган этюдларда эса илиқ ва совуқ ранглар, шафак пайтида ишланадиган ранглавҳаларда эса иссиқ ранглар ўйини ва жозибасидан ташкил топади.

Табиат манзарасини рангтасвирда бажарар эканмиз, ундан рангларни кўчириш эмас, балки бир-бирига бўлган муносабатини таҳлил қилган ҳолда акс эттириш керак, уларнинг ранг жиҳатларини кўриш асосида бажариш лозим. Рангларнинг бу муносабатлари, табиатда ўрин тутган буюмларга, объектларга қуёш нурунинг тушиш бурчагига боғлиқ эканлигини унутмаслик ўз навбатида иш сифатини ошириш имконини беради. «ПЛЕНЭР» амалиётининг асосий мақсади ҳам ана шу нарсани назарда тутати. Яна шу нарса муҳимки

ишланаётган манзарада асосий ва иккинчи даражали нарсаларни аниқ ажратиб олиш, этюд бажариш жараёни осонроқ кечишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай этюд бажаришда палитра имкониятларида келиб чиқишга тўғри келади. Палитрадаги бор ранглардан фойдаланилган ҳолда ранг муносабати, яъни рангларни бир-бирига таъсири, таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқилади.

Узоқ муддатли манзара ишлаш билан бир қаторда қисқа вақтда тез бажариладиган этюдларнинг ҳам аҳамияти катта, бундай этюдлар оний ҳолатни кўрсатувчи ранглавҳалар дейилади. Бундай этюдларни бажариш, манзара композициясини ишлашда ва унинг таъсирчан бўлишини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида табиатнинг ўзгарувчан ҳолатини ифодали, реал тасвирлашга ёрдам беради.

Манзара колоритининг тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга, чунки колорит – шу манзарадаги раиғлар йиғиндисидир. Колоритни тўғри белгилаш эса узоқ муддат изланиш ва кўп ишлаш жараёнида шаклланади. Асарнинг рангда ўзига хос бўлиши, рассомнинг колоритни яхши ҳис этиш маҳоратидан, танланган манзара мавзу – мотивининг ғоясидан келиб чиққан ҳолда белгилаиади. Манзара рангтасвирида, унинг мавзу хусусиятини яхлит кўриш ва тасвирлай олиш асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Манзарани (акварель) тасвирлашда чет эл рассомлари тажрибаларини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин:

### **Conveying a Tropical Mood (Jimm McFarlane)**

Artist Jim McFarlane has a real affection for these quirky Jamaican “stores.” He finds inspiration in the slow rhythm of the island as well as the visual qualities of the setting. A sunny road is bordered by deep shadows, and a vibrant blue sky beckons through tropical foliage. In this demonstration, the artist masterfully captures the mood and atmosphere of this exotic location.

The pattern of lights and darks in the photograph creates a bold dividing line between sunshine and shadow. The upper left corner is dark; the lower right is light. This shift in values will create a sunny, cheerful

mood. The edge that separates sun from shade moves diagonally upward at the right, but much of its length is flat and featureless.

### **Тропик муҳитни акс эттириш (Жим МакФарлейн)**

Рассом Жим МакФарлейн Ямаиканнинг ажоиб табиатига ҳақиқий меҳрини бергаи. Оролнинг сокин табиатидан илҳомланиб маизаралар сифатини ўзига хос йўсинда тонган. Қуёш тушиб турган йўл тўқ соялар билан кесишиб, тропик барглариинг мовий осмон билан жилваланади. Рассом бу кўриишлар орқали оролнинг кайфиятини мохирлик билан тасвирлаб манзарани жонлантирган.

Ёруғликнинг тушиши соя ва ёруғнинг фотографиядаги каби кўриниши қуёш ёруғи билан соя орасидаги чизиқни белгилайди. Тўқ чап бурчакдан пастга ўнг бурчакка қараб ёруғлашиб боради. Бу хажмлардаги ўзгариш қуёшли, соғлом кайфиятни беради. Қуёш тушиб турган киррадан диоганал бўйлаб тепага қараб ўзига хос колорит ўйини билан ўзгариб боради.



The sleepy roadside shops in Jamaica are handmade; each is unique and most are colorful. The inspired addition of a figure and sign makes a

livelier pattern. As McFarlane redirects the edge, it takes on a more appealing rhythm. The line still travels diagonally from the lower left to the upper right, but its new path has a stronger character.

Ямайкадаги йул четида жойлашган ўзига хос дўкончалар ажойиб тарзда яратилган. Гавданинг манзарага мос равишда қўшилиши, уни композицияни ёрқин тимсолига айлантирмоқда. Шу сабабли манзара четида жозибадор ритм пайдо бўлмоқда. Жонсиз буюмлар катори диогонал бўйлаб пастги чапдан ўнг тепагача умумий кўришни бермоқда.



This is a snapshot of a figure from another area on the island. McFarlane often takes photos of people and things that he might use to enhance other subjects.

Бу гавда оролинг бошқа вилоятида кадрга туширилган. Бундай ҳолатлар кўпинча субъектнинг аҳамиятини таъсирчан бўлиши учун фойдаланилади.



In the drawing, the artist adjusts his subject to make the shapes and lines more dynamic.

Жим МакФарлейннинг рақамли фотоларидаги чизиклар, қаламтасвирда рассом томонидан доимий равишда ҳажм ва чизиқни ўта динамик тасвирлайди.

### **DEMONSTRATION: Jamaican Holiday**

#### **STAGE 1**

A light wash is used to produce a faint preview of the value pattern. White paper represents the light values. Diluted and concentrated mixes of raw sienna stand in for midtones and darks. The transitions among the values are soft and loose, allowing McFarlane more freedom to revise the edges of shapes. Raw sienna creates a sunny mood for this subject. Its warmth makes it a natural choice. The artist paints around negative shapes, although masking fluid can be used instead. Varied tones of raw sienna identify where changes in value will occur.

#### **1-БОСҚИЧ**

Оқ қоғоз манзаранинг ёруғ ва иссиқ жойларнинг белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Сиена бўёғини аралаштиришдан ҳосил

булган ранг иссик ва тук жойлар тўлдирилади. МакФарлейн эркин ишлаш жараёнида буюмлар ҳажмларининг сиртини шу бўёқлар билан белгилаб чиқади. Сиена бўёғи қуёшли муҳит ҳолатини белгилашда асосий меъзон ҳисобланиб, иссик ва ёруғ тусдаги манзара кайфиятини белгилашда муҳим омилдир. Турли хилдаги сиена бўёгининг суюқлиги тусни белгилайди.



## STAGE 2

This stage is critical; it creates the large masses. Their qualities set the mood. Two shapes, one warm and one light, meet along a line that moves diagonally across the paper. The artist lets the pigments choose their own course, allowing them to mingle and run. McFarlane does not corral them between the lines. Pale, warm colors are allowed to flow through the sunny areas. Light blues indicate the sky. Layered washes of dark green suggest the dense canopy of leaves. Changing color distinguishes leaves from trees. Lighter elements like the figure and shop are defined by the surrounding darks. Muted midtones are added to objects in the foreground.

## 2-БОСҚИЧ

Бу босқичда катта ҳажмларнинг сифати ва кайфияти ишлаб олиниади. Иккита ҳажм, битта иссиқ ва битта ёруғ учрашган чизик диоганал бўйлаб давом этади. Рассом ўз хошишига қараб бўёк пигментини қайсики бир-бирига аралаштириб ишлаш жараёнида қоғоз устида ишлов бериш мумкин бўлган бўёқ пигментидан фойдаланади. Оч ва иссиқ рангларини қуёш тушаётган жойларда суюқ ҳолатда ишлатилади. Рангларнинг ўзгариши баргларни дарахтлардан ажратиб кўрсатади. Тасвирдаги ёруғ элементларни тасвирлашда уларни ўраб турган муҳитдаги тўқ доғлар алоҳида ўрин тутади.



### STAGE 3

To complete the painting, McFarlane develops the brighter, lighter passages. He pays close attention to their relationships: brighter and duller, cooler and warmer, lighter and darker. The artist measures success as capturing the qualities that attracted him to a subject: the sunlight and bright colors of the tropics. The figure, shop, and barrels are described with bright colors. Lines and shadows emphasize these foreground objects. Layers of color add dimension and texture throughout. Spots of pigment are lifted from the tree trunks, suggesting light filtering through the leaves.

The intervals between leaves are made a darker, brighter blue, suggesting a perfect holiday.

### 3-БОСҚИЧ

Тасвирни тугалаш учун, МакФарлейн ўз технологиясини ишлаб чиққан, бунда у анча ёрқин ва ёруғ ранглардан фойдаланади. У буларнинг ўзаро муносабатларига катта эътибор қаратади: жуда ёрқин ва бўғик, жуда ёруғ ва тўқ ҳолатларни ишлаб чиқади. Асар мувофақиятии муаллиф тропикларнинг ёруғ ва ёрқин қуёшини сифатли тасвирлашда деб билади. Гавда, дўкон ва бўчкалар очик ранглар билан ёзилган. Соянинг чизиғи биринчи пландаги буюмларга урғу бермоқда. Бўёқ қатламлари тасвирланаётган нарсаларнинг фактурасини белгиламоқда. Барглар орасидаги масофа тўқ, очик кўк билан тасвирланиб, байрамонга кайфият бахш этмоқда<sup>5</sup>.



<sup>5</sup> Leslie Frantz The watercolour course. New York-2015. (240-246 бетлар)

## АМАЛИЁТДА ТЕЗЧИЗГИ - МУСАВВАДАЛАРИИИГ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир мусаввир санъатнинг қайси соҳасида ишламасин, у доим атрофни кузата олиши керак. Рассом эса фақатгина иш вақтида эмас, балки доимо, қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, ҳаёлан атрофни кузатиб таҳлил қилиб боради. Маълумки, ўз умрини санъатга бағишлаган инсонларда кузатувчанлик одати яхши шаклланади ёки «шартли рефлекс»га айланади. Илья Ефимович Репин ўз хотиралари ҳақида ҳикоя қилиб: *«Мен Аир қизининг тирилтирилиши» номли диплом ишимни бажарган вақтимда узоқ вақт болалик хотираларимни эсламагунимча ҳеч нарса чизаолмадим... Унинг онаси ҳолсиз, ётар эди. Шамлар, қандайдир шиклашиб, ўзининг гарибона нури билан кундуз куннинг ҳаворанг нури билан аралашиб кетар эди. Тезда ишим енгиллашиб, юришиб кетди ва қисқа вақтда ажойиб картина ярата олдим»* - деб ёзади.

Амалиёт даврида талабалар худди юкоридаги рассом таъкидлаган ҳолатдагидек қанча кўп кузатишга ўргансалар ва бу кузатишларини бир тизимли, тартибли қилиб олиб боришса, бу тадбир келажакда ўз махсулини, самарасини беради, кўрсагади.

Маълумки, қораламалар устида ишлаш ҳам жуда муҳим эканлигини биламиз. Чунки бунини «Уйғониш даври» рассомлари ижодида кўп кўрамиз. Улар тасвирий санъатга ўргатиш тизимини такомиллаштириш учун қаламтасвир, рангтасвир ва композиция фанларининг назариясини яхши, аирофлича, чуқур ўрганганлар.

Қаламтасвирга ўргатиш эса айнан натурани тасвирлашдан бошланган. Бунини биз ҳар бир илмий изланишда – «трактат»ларда кўрамиз. Масалан, италиялик рассом Ченнио Ченнини «Рангтасвир трактати»да қуйидагича ёзади: *«Шуни англаш керакки, жуда зукко йўлбошчи, зафар аркидан санъатга етакловчи жараён бу – натурага қараб чизишдир. Бу ҳамма намуналардан устун турувчи жараён»*.

Леонардо да Винчи эса ўз изланишларида шуни таъкидлаган: «Қаламтасвирга ўргатиш асосини нарсага қараб чизиш деб биламан. Натура (нарса) ўқувчини буюмларнинг тузилишини сезишга, ўйлашга ва фикрлашга ундаб, ўз ўрнида ўрганиш маҳоратини оширади».

«Табиатда нимани топсанг, ана шуни тасвирлашни ўрганишда ҳаммадан аввал табиатга эргашиш керак. Осмон, ер, денгиз, жониворлар, хушфеъл ва баджаҳл одамлар, ҳаммаси бизнинг машқимиз учун хизмат қилади», - *деб ёзган эди Рембрандт Ван Рейн.*

Талабалар ўз навбатида буюк рассомлар томонидан ажойиб қилиб бажарилган мусаввада - қораламаларни ўрганишлари шарт. Чунки, диққат билан кузатсак, қораламада кичик, аҳамиятсиздек туюлган чизгиларнинг моҳирлик билан жойлаштирилганлигини сезамиз. Шунинг учун улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Чизгилар ҳар хил рассомлар томонидан ишланган ва мавзулари турлича бўлса-да, уларнинг ҳаммаси умумий сифатлари билан маълум аҳамиятга эга. Биз уларни кузатиш вақтида кўп машқлар ва ўта аниқ мутаносиблик билан ишланганлигини сезамиз. Рассом асосан энг муҳим, энг диққатга сазовор хусусиятларни илғай олиши керак. Айниқса, одамнинг турли ҳолатига, нарсаларнинг мутаносиблигига, уларнинг асосий хусусиятларига катта эътибор берилганини кўрамиз.

Маълумки, кўп бора машқ қилмасдан, унга одатланмасдан туриб сифатли қоралама қилиш жуда қийин. Бошланишида яхши қоралама бажаришни ўрганиш учун аввал юзлаб чизгиларни машқ қилиш лозим. Бунда сизга амалиётдаги шуғулланишлар катта ёрдам беради. Бунинг учун кунига маълум бир соатлар давомида фақат кичик-кичик, тезкор қораламалар қилиш билан машғул бўлиш яхши натижалар беради.

Бугун кечагидан яхшироқ ишлаётганлигингиз бир ҳафтадан кейин эса тажрибангиз анча ошиб бораётганлиги кўринади. Ҳар кунги машқлар натижасида ўз йўналишингизни тўғри танлаганлигингизга ишонч ҳосил қилиб борасиз.

Доимий машқ қилиш натижасида талаба-амалиётчилардан тезлик, аниқлик ва ишонч талаб қилинади. Бу қоғоз ва бўёқларнинг керагидан ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Бунга эътибор қилмасдан, руҳан тушкунликка тушмасдан, сидқидилдан, қатъий изланишда давом этиш керак.

Амалиёт бошланишида иложи борича ҳаракатсиз ва кам ҳаракатли моделларни таилашингиз тавсия қилинади. Ҳаракатсиз моделлар: тик турган одам ёки бирор бир муляжни тез ва аниқлик билан нозик қалам чизиқлар ёрдамида қоралашга, асосан шакл ўзлигини ва тузилишини илғаб олишга ўриниш лозим.

Маълумки, қораламалар бажариш учун кўмир таёқчаларни ишлатиш тавсия қилинмайди, чунки кўмир таёқчалари ҳаддан ташқари кўпол ва йўғон ҳамда титилувчан бўлиб, графит қаламларга нисбатан мустаҳкамлиги анча наст. Шунингдек, кўмир таёқчалар ишнинг тезлигини пасайтириб, қийинлаштиради.

Биринчи курс талабалари учун натюрморт ва ҳайкаллар ишлаш қулай. Бу машқларни оддий ва қизиқарли кўринишда бажариш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир машғулотни олдидан атрофлича ўрганиб чиқиб, турли томонидан кўйлаб қораламалар ишлаш лозим.

Бу машғулотлар ўқув-академик топшириқларни янада чуқурроқ ўрганишда ёрдам беради. Талабаларни зерикарли қораламалар билан санъатдан совутиб юбормаслик учун қизиқарли, уларнинг ўзлари севиб бажарадиган топшириқлар асосида кўпроқ машқ килдириш керак. Амалиётни ҳайвонот боғида, тоғда, табиат кўйида, дам олиш базаларида ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот боғида ранг-баранг қушларни, турли хил катта-кичик ҳайвонларнинг дам олаётган ва ҳаракатдаги ҳолатларини қоралама ҳамда этюдлар ишлаш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Табиатда тошлар гўзаллигини кузатиш, тоғда шарқираб, тошдан-тошга урилиб тушаётган сувларии, барқ уриб ривожланаётган дала гулларини ва ўсимликларни тасвирлаш, табиатнинг ўзгарувчан кайфиятини, қуёшли ёки булутли ҳолатларини, эрталабки тонг, туш вақти, кунботар ва ҳоказоларни ишлаш бўлажак рассомнинг маҳоратини ва касбга бўлган муҳаббатини оширади.

Кейинги курсларда тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликларни ўрганиш мақсадида қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга ижодий сафарлар уюштириш талабалар билим даражасини янада ошириб, ривожлантиради.

Қишлоқ ва бозорларда бўлиб, ёши улуг қарияларни, суҳбатлашиб турган одамларни, далаларда ўтлаб юрган жониворларни, бозордаги савдо-сотик жараёларини тасвирлаш бўлажак rassom-ўқитувчи учун жуда зарур.

Асарлар яратиш жараёнида ана шу кузатишлар, ишланган қораламаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, ёш ижодкорларнинг тасаввур доирасини кенгайтиради.

### АМАЛИЁТ ПАЙТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ

Талабалар ҳайвонот боғида бўлган вақтида аввал мазкур боғнинг умумий кўринишини, масалан: киришда олд фасадни, «Ҳайвонот боғи» деб ёзилган ёзувларни дарвозанинг умумий ҳолатини қаламчизгисини бир нечта вариантларда ишлаши мумкин. Шунингдек, ҳайвонот боғини, ҳайвонлар, қушлар ва турли хил жониворлару - жонзотлар яшаётган қафаслар ва инларнинг характерли хусусиятларини тасвирлашда акварель ёки гуашь каби бўёқлардан фойдаланиб, уларнинг рангтасвирларини мустақил чизадилар.

Бундай ишлар келгусида бирорта катта санъат асар композициясини яратиш вақтида ашёвий тўпилам бўлиб хизмат қилади.

Ҳайвонот боғининг кўринишларини билдириш мақсадида иш тасвирланган ҳар бир жойнинг ҳайвонот боғи эканлигини дарҳол билдириш учун қушлар сақланадиган сим тўрлар билан ўралган ииларни, тасвирлаш чоғида айнан шу қушларни томоша қилаётган болалар билан ёки бошқа томошабинлар билаи ифодалаш катта самара беради.

Талаба ҳайвонот боғи билан танишиб, унинг кўринишларини тасвирлаб олди. Демак, чизилган турли хил қораламалар ва чизматасвирлар орқали бу ҳайвонот боғи эканлигини дарҳол тушуниш мумкин. Кейинги вазифа ҳар бир ҳайвон ва жониворни ўзига хос кўринишларини қораламалари ва чизгиларини бажаришдан иборат бўлади. Сабаби, ҳар бир ҳайвон ва жониворларнинг ўзини юриш-тутиш ҳолатлари мавжуд, уларга эътибор бериб синчиклаб

кузатиб тасвирлашда қандай ашё билан ишлашни билиш керак. Масалан, кушларнинг кўпчилиги тез-тез ҳаракатда бўлади. Шунинг учун уларни фақат қисқа вақтда бажариладиган қоралама чизгисини ишлаш керак.

Бирок кушлар орасида узоқ вақт бир жойда туриб қоладиганлари ҳам бор, масалан: турналар, лайлақларнинг бир неча турлари, оқ кушлар, бургутлар, бойўгли ва бошқалар. Шундай кушларни тасвирлашда қалам, кўмир қаламчалар ёки ретушдан фойдаланиш мумкин.

Катта гавдали ҳайвонлар эса аксинча кўп ҳолларда бир жойда кўпроқ туриб қолиши ёки дам олиб ётиши маълум. Бундай ҳолатда шу каби ҳайвоиларни бир йўла қаламлашмасини ва ҳатто ранглашмасини ҳам бемалол ишлаш мумкин.

Мазкур кушларни акварель бўёқда, гуашда ва мойбўёқда ҳам ишлаш мумкин бўлади. Бундай ҳолда талабалар иложи борича ҳар бир бўёқ турларидан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида тасвирлар ишлашга ҳаракат қилишлари керак. Чунки ҳар бир бўёқ турида ишлашнинг ўз усули ва укуваси мавжуд. Агар шу услубни мукаммал ўзлаштириб, бир нечта амалий ишлар бажара олса, келгусида юксак бадиий асарлар яратишига замин бўлади. Натижада, ўз маҳоратларини ошириб бориш учун имкон пайдо бўлади.

Кушларни тасвирлашда, уларни тўпланиб турган ҳолатларини, алоҳида бўлган ҳолатларини бир-бири билан таққослаб бориш лозим. Бир-бири билан таққослаш орқали талабалар кушларнинг турли ҳолатларини ўз хотираларида яхши сақлаб қоладилар. Бу нарса бирор асар композициясини яратиш вақтида ниҳоятда катта ёрдам беради.

Ҳайвонот боғидаги олиб борилган кўплаб кузатишлар ҳаёт ҳақидаги таассуротларни, бойитиб, дуёқарашни ҳам анча кенгайтиради. Қанчалик кўп тасвирлар бажаришса, кўллар шунчалик тезроқ ва аниқроқ ишлай бошлайди. Ўрганувчилар қуш ва ҳайвонларнинг тузилишидаги энг нозик шакл ўзгаришини сезишади ва улар ишлаган қораламалар гўзал, нафис ва саводли бўлиб чиқади.

Ҳамма ҳайвонларнинг умумий тузилишини қуйидагича белгилаш мумкин: Булар - бош ва юз қисми; умуртқа поғонаси;

кўкрак қафаси; елка қисми олд оёқлари билан; ҳамда тос суяклари орқа оёқлари билан.

Ҳайвонларни тасвирлашда бу шакл нисбатлари ва тузилишини ҳамиша ёдда сақлаш керак. Баъзан ҳайвоннинг ташқи кўриниши жуда кенг, ҳажмли, ўта мураккаб бўлади. Лекин уларнинг анатомик тузилиш скелетини «кўра билиб» сезиб, тасвирланса, ўша ҳайвонга айнан ўхшаш, жозибали ва ҳаққоний чиқишига эришса бўлади.

Талаба-амалиётчилар ботаника боғида ер юзиини узоқ мамлакатларидан келтирилган, ранг-баранг, шаклларга эга бўлган дарахтларни, гулларни, меваларни, оддий инсон бориб кўриши иложи бўлмайдиган табиатнинг инъомларини қизиқиб, берилиб тасвирлайдилар.

Шундай қилиб, ҳайвонот боғида амалиётни ўтаган талабалар дунёнинг турли мамлакатлари ҳайвонларини тасвирлаш орқали ўша мамлакатнинг ёввойи табиатини ҳис этиб, бемалол тасвирлаб акс эттира оладилар. Шунингдек, ботаника боғида амалиёт ўтайдиган талабалар ўрмонлардан, ҳамда, узоқ мамлакатлардан келтирилган бошқа ўсимликларни тасвирлай олишлари билан бир вақтда, уларнинг тузилиши ҳақидаги таассуротлари ёдда яхши сақлаб қоладилар.

Натижада, ер юзидаги турли хил дарахтларни, гулларнинг ноёб турлари қатнашган табиатнинг табий манзараларини, композициялар орқали ечимии топиб намоён этган ҳолда акс эттира олиш маҳоратларини эгаллайдилар. Бунинг учун мазкур ботаника боғида амалиёт ўташ учун борган талабалар ўша боғии, биричи навбатда умумий кўринишини, ҳовлини, алоҳида-алоҳида майдонларини, турли мамлакатлардан келтирилиб, ўстирилган ноёб дарахтларни ўз жойида, гуруҳ-гуруҳи билан бирга тасвирлашлари керак бўлади. Чунки ер юзининг ҳар бир мамлақати, унинг ёввойи табиати, ўсимликларининг ўзига хосликларини диққат-эътибор билан ифодалаш орқали ҳар бир талаба ана шундай манзараларни композиция тузиш жараёнида ифодалай олиши мумкин.

Буюк рассомлар энг аввало қаламтасвир бўйича катта маҳорат эгаси бўлганликлари маълум. Улар шаклнинг коиструктив

тузилишини ва шакл ҳажмиини чиқариб олиб, сўнг бир тусли кўринишини ишлаганлар ва ундан кейин ранг билан бажаришга киришганлар.

Кўплаб буюк рассомлар, шунингдек таникли рус рангтасвирчилар аввало юқори малакали чизматасвирчилар бўлишган. Шундай рассомлар каторига К.П.Брюллов, Ш.И.Шишкин, В.Е.Маковский, В.Д.Поленов, И.Е.Репин, М.А.Врубель, В.А.Серов, К.А.Коровин ва таникли ўзбек рассомлари Ч.Ахмаров, В.Ковинин, М.Саидов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев ва А.Икромжонов каби рассомларни кўшиш мумкин. Улар яратган асарлар бу рассомларнинг чизматасвирнинг юксак маҳоратли билимдонлари эканлигидан далолат беради.

П.П.Кончаловский рангтасвирдаги қаламтасвириинг аҳамиятини кўриб чиқиб: *«Ҳақиқий рангтасвирнинг, ранг жиҳатдан услубий шаклини аниқ, тўла-тўқис бера олувчи нарса бу ҳар бир ранг доғи»*, - деб таъкидлаган.

Шу сабабли - рангтасвирда яхши ишлаш учуи амалиётчи-талабалар чизматасвир бўйича ҳам маълум миқдордаги пухта билим ва малакаларни эгаллашлари лозим бўлади. Ушбу амалиётда чизматасвир бўйича бошланғич зарур бўлган назарий билимлар ва амалий малакаларни қуйидаги тартибда қўллаш мумкин.

Талабалар боғнинг ички кўринишлари асосида яхлит этюдлар яратишлари мумкин. Ҳар бир этюдни ишлашдан олдин унинг таркибига кирадиган, тасвирланадиган барча деталларнинг чизматасвирларини аниқ, ишонарли тарзда белгилаб олиниши керак. Аиа шундан сўнг, раиг билан ишлашни бошлаш мумкин. Масалан, ботаника боғида палма барглари ва меваларининг антиқа ҳолатлари, шаклларини ифодалаш чоғида ҳар бир шакл деталини алоҳида вақт ажратиб батафсил ишлашлари керак. Бунинг учуи аввал ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос кўринишларини, қораламасини қалам билан ёки қора тушли чизувчи махсус ручкалар билан тасвирлаш ўринли бўлади. Чунки турли хил асбоблар билан ишлаш талабаларни турли бадийий воситаларни қўллай олиш малакаларини мустаҳкамлайди.

## ҚИСҚА МУДДАТЛИ «ЭТЮД»- ТЕЗЛАВҲАЛАРНИ БАЖАРИШ

Очиқ табиатда – «пленерда» рангтасвирни ишлашга ўтишда энг аввал кичик, мўъжаз ҳажмли этюдлари (ўлчами 15x20 см) ишлашдан бошлаб, унда асосий ранглар муносабатини топиш ниҳоятда зарур. Бунииг учун биринчи натурадан энг контрасти бўйича ажралиб турувчи доғларнинг тусини, фарқини масалан, олд кўринишдагисини узоқдагиси билан ўзаро таққослаш керак. Бундай мўъжаз ўлчамли этюдларни бажариш натижасида деталларни бўлиб-бўлиб тасвирлаш каби камчиликлар бартараф этилади. Яъни: талабалар натурадаги ҳар бир детални алоҳида-алоҳида ишлашга интилмасдан, балки аксинча, катта рангдаги муносабатларни курадилар. Манзарали этюдлари ишлаш пайтида нисбатан соддароқ бўлган сюжетни жамланган бўшлиқ билан (масалаи, ҳовлининг ёки боғинг бир бўлаги ёидаги уй билан) кўшиб ишлаш ҳолати таиланади.

Этюд устида ишлаганда ёш рассомлар бир неча плании тасвирлашни ўрганишлари керак. Олд кўринишда нарсалар одатда бўртик ҳажмли ва каттароқ, аниқ ёруғ-сояси билан кўринади, бироз узоқдагиси эса соялари очроқ, ёруғ жойлари ҳирароқ кўринади.

Уфқ чизигига яқинлашган сари ёруғ-соя зиддияти (контрасти) юмшаб, охирида оч ҳаво ранг доғ бўлиб атроф-муҳитга «қоришиб» кетади.

Ҳаво перспективасини кўрсатишда этюдинг умумий ранг жиҳатини колорит орқали ифодалаш мумкин. Ҳавода турли объектларнинг ҳақиқий рангига атрофдаги деталларнинг акслари таъсир қилади. Буни тажриба қилиб амалда кўриш мумкин, яъни: нарсанинг соя томонига кетма-кетликда алоҳида кўк, сарик, қизил матолар яқинлаштирилса, унинг соясида кўк, сарик, қизил аксларни сезиш мумкин. Очиқ ҳаводаги вазиятларда эса кучли рефлекслар осмондан тушади, буни айнан сояларда сезиш мумкин.

Шундай қилиб бу амалиётда табнат элементларининг ўзига хос асосий рангини, атрофдан тушадиган аксларни, узоқлашганда туснинг ўзгаришини кўрсатиб бериш керак.

«Плеиер»да узоқдаги нарсалар нафақат оқариб кўринади, балки ранги оч кўк тус олади, лекин бу ҳар доим эмас, чунки манзара элементларининг ранги ҳавони очик ёки очик эмаслигига, кўёшли ёки булутли эканлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Манзарани турли вақтда: эрталаб, тушда ва кечкурун тасвирлаб, раиғ фарқларини сезиб олиш мумкин. Кейинчалик эса буидай топшириқларни мураккаблаштириш талаб қилинади. Ўз ичига бир нечта яқин, узоқ қисмларни камраб олган очик макондаги манзарали мотив таилаилади. Бундай этюдларда алоҳида эътиборни фазовий муҳит қисқариши «перспектива»га қаратиш лозим, яъни ранглар бўйича кўринишларининг ёруғлиги ва тўйинганлиги каби фарқларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарсага ҳам манзараининг ҳамма кўринишларини ўзаро таққослаш орқали эришилади. Бу ҳолатда умумий кўринишии яхлит қабул қилиш билан ўртадаги ва олисдаги кўринишни осмон билаи ва дарахтлар билан уларнинг сувдаги тасвирини биргаликда олиб, таққослаб ишланади. (Этюд ишлаш 15, 30, 60 дақиқа давом этиши мумкин).

Машҳур рассом К.А.Коровин ўз ўқувчиларига; *«Этюдни шундай ишлаш керакки, ернинг тусини ва сувни осмонга нисбатан муносабатларини тасвирлай олиш учун уларнинг муҳитини бирдан ушлаш, илғай олиш керак»*, - деб айтар эди. Унинг ўзи эса этюдда асосий ранг муносабатларини куришнинг энг моҳир устаси бўлган эди.

Қисқа муддатли этюдларни бажариш турли хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда этюдни узоқ давом этадиган тасвирлар яратишдан олдин бажарилади ва уларда ранглараро муносабат таҳлил қилиб ўрганилади. Нағижада колористик маълумотлар ҳақидаги биринчи таассуротлар пайдо бўлади.

Ботаника боғидаги амалиёт кўплаб қораламалар, ўсимликларнинг чизматасвирларини алоҳида-алоҳида ва ўзаро бирлаштириб кичик композициялар кўринишида ҳам ишлаш лозим. Иложи борича, сувбўёқ, гуашь билан, агар имконият бўлса, мойли бўёқлар билан ишлаш, қоғоз, картон ёки кичик ҳажмли матоларга ўсимликлар ва ботаника боғининг умумий кўринишларини алоҳида акс эттириш

керак. Уларнинг очик табиат кўйнида, турли ашёлар билан рангларни ҳис қилиб, қуёшли кунда, соя-ёруғликдаги ўсимликлар – гулларнинг ажойиб ҳолатдаги умумий кўринишларини ифодалаш, боғнинг табиати ҳақида кўйлаб ашёвий тасвирлар тўплаш ва улар ҳақида тўлиқ таассуротлар олишида яхши самаралар беради.

Бундай масалалар ҳақида фикр билдирган улуғ рассом В.В.Иогансон: *«Ҳар қандай рангтасвирчи яхши реалистик мактабни ўтаган бўлса, у натурадан чизиш усулини билади, нозик тусларни бир-бири билан таққослаб, уларнинг бир-бирига яқин, нозик муносабатларини ёруғлик кучи бўйича ва рангларнинг кучи бўйича натурадан чизиш жараёни турлича эканлиги, натурага синғидирилган ёруғлик кучларининг фарқи ва рангларнинг юқори даражада берилганлиги сезилади», - деб ёзган эди.*

П.П.Кончаловский эса ўз навбатида В.И.Суриков асарларида ранглар муносабатлари аъло даражадалигини шундай изоҳлаган эди: *«Натурадан аниқ рангни олиш мумкин эмас, чунки ҳар бир дақиқада ёруғлик муносабати ўзгаради. Шунинг учун ҳаммасини ранглар муносабатида қуриш керак».* Ана шу ҳолат натурага қарши бўлмаса, унда натура ҳақида ўз таассуротлари гармониясига эга бўлиб, тўғри ҳулосаларни беради. Шундай қилиб ранг ўз ҳолича акс эттирилмайди, балки, аксинча – натурага асосланиб яратилади.

Боғда бўёқ билан ишлаш вақти бир нечта босқичда амалга оширилади. Масалан, тушгача бир кўриниш манзараси эрталабки тиник ҳавонинг таъсирида ишланса, соат 11<sup>00</sup> дан 13<sup>00</sup> гача яна бир манзара дарахтлар, ўсимликлар гуллар билан композицион тарзда куннинг иссиқ ҳолатини акс эттириш мумкин. Кечки уфққа гарк бўлаётган қуёш манзараси тасвирини ишлаш ҳам ранг мажмуасини, колоритни ўрганиш учун яхши шароит яратади.

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ АТАМАЛАРИ ЎЗБЕК ВА ИИГЛИЗ  
ТИЛЛАРИДА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

<p><b>Автопортрет</b> – ( грек – o'zim) муаллиф ўз тасвирини ишлайдиган санъат асари. Бу жараёнда асар муаллиф ва ишланадиган модел бир объектда гавдаланади.</p>	<p><b>Self Portrait</b> - (Greek - himself) - a portrait in which the artist depicts himself. In this case, the creator of the product and the model are combined in one person.</p>
<p><b>Академизм</b> – классик санъат турнинг қоидаларига амал қилиш. Қисмлари: қадимий афсона, Инжил, қадимги тарих. Турлари: неокласситсизм.</p>	<p><b>Academicism</b> - following external characteristics of classical art. Stories: ancient mythology, the Bible, ancient history. Variety - neoclassicism.</p>
<p><b>Акварель</b> – тайёрлашда сувда иарчаланиш хусусиятига эга модда, масалан гуммиарабик моддасидаи фойдаланилган бўёқ тури. Одатда акварель сув билан қорилганда сув каби тиниқ ҳолатга келади ва мўйкаламда узун доғлар ёрдамида ишланади.</p>	<p><b>Watercolors</b> - Paint, which is used for the manufacture of water-soluble binders such gum Arabian. Usually water soluble to water-color transparent state and applied to the paper wide spots, known as dithering.</p>
<p><b>Алла прима-</b> (лот- биринчи уринишдан) тасвирий санъатдаги рассомлик усули, моҳияти шундаки, ишланадиган тасвир ҳеч бир ёрдамчи чизмаларсиз ишланади.</p>	<p><b>Alla prima</b> - (Latin - the first time) - technique in which the final surface of a painting is completed in one sitting, without under painting.</p>
<p><b>Ассиметрия</b> – қар. Симметрия</p>	<p><b>Asymmetry</b> - see Symmetry.</p>
<p><b>Ахроматик раиғлар</b> – қар. Хроматические тввета</p>	<p><b>Achromatic colors</b> - see chromatic colors.</p>
<p><b>Барокко</b> – XVI-XVIII асро хирларидаги Европа</p>	<p><b>Baroque</b>- an elaborate theatrical style gaudily ornate ornamentation</p>

<p>меъморчилигида масштаб ва ритмлар, материал ва фактура, соя ва ёруғликларнинг уйғунлиги каби хусусиятларга эга бўлган санъат йўналиши.</p>	<p>in decorative art and architecture that flourished in Europe in the 16th to 18th century characterized by curved rather than straight lines.</p>
<p><b>Ботал жанри</b> – (франс bataille - jang). Жанг ва жанг ҳаётига бағишланадиган тасвирий санъат жанри. Асосий қисмини жанг олиб бориш жараёни, жангдан кейин нишонлаш жараёни, юришлар ва намойишлар ташкил этади.</p>	<p><b>Battle Genre</b> - (from Fr. Bataille battle). Battle-painting. Genre of fine arts dedicated to the themes of war and military life. Foremost in the battle genre scenes occupy land and sea battles, military campaigns, and parades.</p>
<p><b>Белила</b> – оқ минерал бўёқ. Одатда таркибида кумуш, темир, мис, титан каби моддалар мавжуд бўлади. Биринчи оқ минерал бўёқ - ёғли рассомлик санъати учун мўлжалланган – кўргошин белиласи. У мустаҳкам, яхши қурийдиган ва ҳаво таъсирига чидамли хоссаларга эга. Кўргошин белиласининг камчиликлари ҳам бор: у захарли, вақти билан водород сульфиде таъсирдан ранги тўқ ва тиниқроқ ҳолатга келади, ёгда сарғаяди.</p>	<p><b>White</b> - white mineral paint. Used lead, barite, zinc, titanium and methane whitewash. First whitewash for oil painting - white lead. They are plastic and durable, well dry, opaque and well-kept weathering. White lead has disadvantages: they are poisonous, darken over time from hydrogen sulfide and become more transparent, yellow in butter.</p>
<p><b>Биеннале</b> – икки йилда бир маротаба ўтказиладиган маданий - оммавий санъат фестивали.</p>	<p><b>Biennale</b> - cultural events (exhibitions, festivals), held regularly every two years.</p>
<p><b>Блик</b> – (немис. - pigoh) соя ва ёруғлик элементи. Буюмдаги энг ёруғ нур тушган, асосан</p>	<p><b>Glare</b> - (German - opinion) - the element of light and shade (see). The brightest spot on the</p>

<p>жилоланиб ва ялтираб турган қисми. Одатда бу доғ ёрқинлигига кўра буюмнинг умумий кўринишидан яққол фарқланиб туради.</p>	<p>illuminated mainly glossy or shiny surfaces. This is usually a spot on its brightness very sharp contrast to the general tone of the subject.</p>
<p><b>Болон мактаби</b> – Болония шаҳрининг марказида жойлашган италия тасвирий санъат мактаби. Болония рассомларининг асарлари XIV асрдаюқ ўзига хослиги ва кифоаларнинг рангдорлиги билан ажралиб турган, лекин тарихий-бадий тушунча сифатида Болон мактаби, биринчи навбатда уйғониш давридаги италия тасвирий санъати йўналишининг бири билан боғлиқ.</p>	<p><b>Bologna School</b> - one of the schools of Italian painting from the center in the city of Bologna. Bolognese painters work already in the 14th century stood out sharp specificity and expression of images, but as a historical and artistic concept of the Bolognese school associated primarily with one of the trends of the Italian painting of the formation and flourishing of the Baroque.</p>
<p><b>Қоғоз</b>- тасвирий санъатда қоғоз кўпроқ акварел билан ишлашда қўлланилади, бу ерда ортикча такрорланишлардан қочиб, фақат бир қанча мулоҳазалар билан кифояланиш мумкин.</p>	<p><b>Paper</b> - Paper, quality, composition, and so prominently in the descriptions of watercolors, and so to avoid unnecessary repetition here may restrict ourselves to a few remarks.</p>
<p><b>Бутафория</b> – (итал. buttafuori истеъмождан чиқарилган). 1. Ҳаққонийликни акс эттирадиган предмет ёки макет. Бутафория одатда дўкон, театр, музейларда қандайдир воқеани акс эттиришда қўлланилади. Тасвирий санъатда бутафория натура ишлашда қўлланилади. 2. Сохталик, зар ип, ҳашамат.</p>	<p><b>Props</b> - (Italian buttafuori obsolete). 1. Objects, models that mimic the real thing. Application props on stage, in movies, shop windows, museums, creating nativity scene. Painter's props used to draw from nature. 2. Forgery, tinsel, ostentation.</p>

<p><b>Маиший жанр</b> – куйдалик ҳаёт тарзига бағишланган тасвирий санъат жаирларидан. Маиший жанрга асосан катта бўлмаган ўлчамлардаги маиший тасвирий санъат, графика ва ҳайкалтарошлик киради. Маиший саҳналар санъатда ўрта асрларда алоҳида жанр сифатида шаклланди.</p>	<p><b>Genre</b> -Art that depicts the casual moments of everyday life and its surroundings or a class of art having a characteristic form or technique.Domestic scene crystallized into a genre of art in the middle Ages.</p>
<p><b>Ваиман</b> - (англ whatman) – қалин қаттиқ қоғоз. Жуда сифатли, юзаси ғадир - будур, мустаҳкам ва яхши мойланган қоғоз. Қоғоз номи инглиз қоғоз корхонаси эгаси Ж.Ватман шарафига қўйилган.</p>	<p><b>Whatman</b> - (from the English. Whatman) - thick white paper, high grade paper with a rough surface, good sized and strong. Named after the owner of English J. Whatman paper mill.</p>
<p><b>Венеция мактаби</b> – Италия тасвирий санъатидаги асосий ва таниқли мактаблардан бири. Асосан XV—XVI асрларда (Уйғониш даврида) жадал ривожланди. Бу мактабга тасвирий санъатни бошлашда аниқ расмларни анатомия билимлари билаи биргаликда билиш, расмдаги раиғларга кучли эътибор бериш, қутилмаган композицион қарорлар қабул қилиш каби хусусиятлар ҳосидир. XIV аср Венеция мактаби. Бу даврнинг ўзига хослиги шундаки, бу даврда византия ва готларнинг бадиий анъаналари чамбарчас</p>	<p><b>Venetian School</b> - One of the main Italian schools of painting. Most developed in the second half of the XV-XVI centuries (Renaissance). For this school is characterized by the predominance of paintings began in conjunction with the exact figure and a good knowledge of anatomy, careful attention to the color of a picture, unexpected compositions. XIV century Venetian school. This period is characterized by interweaving of Byzantine and Gothic art traditions.</p>

богланган.	
<p><b>Уйғониш даври</b> – (Renesans) XIV – XVI асрларда Европа маданиятида санъат даври. Оксуякларга хос феъл-атвор, гуманистик дунёқараш, тарихга мурожат. Ўрта асрлардан сунг унинг диний йуналши ва маданий кўриниши - гўзаллик ва уйғунликка интилиш, ҳиссиётларнинг бойлиги ва дунёнинг турли-гуманликларига, инсон қиёфасига табиат тожи деб қаралган.</p>	<p><b>Renaissance</b> - (Renaissance) era in European culture 14 - 16 centuries. Secular, humanistic world view, the appeal to antiquity. After the Middle Ages, with its austere religious spiritualism and dogma - the desire for beauty and harmony, sensuous richness and diversity of the world, the image of man as the crown of nature.</p>
<p><b>Кўргазма</b>– техникка, фан, маданият, иқтисод ва санъат каби соҳалардаги ютуқларни омма эътиборига ҳавола этиш. Кўргазма тадбир ва ўтказилаётган жойни билдириши мумкин.</p>	<p><b>Exhibition</b> - Public demonstration of the achievements in the fields of economy, science, technology, art and culture. The exhibition can be denoted as the event itself, and holding it there. In a narrow sense - installation, weighting of art for display, viewing, discussion.</p>
<p><b>Галерея</b> – тасвирий санъат, маданият буюмлари ва асарларини сақлаб, химоя қиладиган, ўрганадиган ва намойиш этадиган давлат, маҳаллий ёки хусусий муассаса. Тутган ўрни ва вазифаларига кўра галерея тижорий фаолият олиб бориши мумкин.</p>	<p><b>Gallery</b> - State, public or private enterprise, constantly engaged in exhibiting, storing, studying and promoting the art. Depending on the status and tasks gallery can conduct business.</p>
<p><b>Гамма</b> – ранглар жилоси, кўпроқ амалий санъатда қўлланиладиган</p>	<p><b>Gamma</b> - Gamma color, a number of harmonically related colors</p>

<p>бир нечта ранларнинг ўзаро уйғунлиги. Иссик, совуқ, ёрқин ва бошқа хилларга ажратилади.</p>	<p>(usually with one dominant), used in the creation of paintings, arts and crafts, etc. There are a warm cold, light, and other schemes.</p>
<p><b>Уйғунлик</b> - (грек – бирдамлик, ўзаро келишув, уйғунлик) тасвирий санъатда: ранг ва шаклларнинг ўзаро уйғунлиги, мос келиши, тасвирдаги қисмларнинг ўзаро алоқаси ва шу билан бирга томоша қилиш учун мароқли хусусиятга эга.</p>	<p><b>Harmony</b> - (Greek - harmony, unity and coherence of parts) - in the fine arts: a combination of shapes or colors, or the interaction parts of the image with the greatest consistency and therefore more favorable for visual perception.</p>
<p><b>Готика</b>-XII-XVI асрларда Европага хос ўрта аср санъатининг бадий услуби, асосан баланд ингичка минорали, учи учли ойнали, мураккаб нақшли (витражли) ибодатхона қурилишларида фойдаланилади.</p>	<p><b>Gothic</b> - A style of architecture and art dominant in Europe from the XIIth to the XVth century. Gothic architecture features pointed arches, ribbed vaults, and often large areas of stained glass</p>
<p><b>Ўйна нақш</b> – бу метал, тош, ёғоч ёки бошқа материалга туширилган қоғоздаги расм изи. Ўйма нақшнинг турли услублари мавжуд: кесма нақш, офорт, андозали нашр, тошбосма ва бошқалар. Кесма нақш ва офортда расм метал иластинна бўйлаб кесилади ёки офортда кислота билан ювилади.</p>	<p><b>Engraving</b> - Printing technique in which an intaglio image is produced by cutting a metal plate or box directly with a sharp engraving tool. The incised lines are inked and printed with heavy pressure. There are different techniques of engraving: engraving, etching, lithography, serigraphy and screen printing.</p>

<p><b>Графика</b> – (грек. graphike, grapho - ёзаман, чизаман) 1. Тасвирий санъат тури бўлиб, асосий тасвирий воситалар: қогозга туширилган чизиклар, штрихлар, доғ ва нуқталар билан расм чизилади. Графика икки турга бўлинади: тасвирий (расм), муаллиф томонидан чизилган расм ва нашр қилинган: ўйма нақш, тошбосма. 2. Асоси шундай расмдан иборат бўлган нашр қилинган бадиий тасвирлар (ўйма нақш, тошбосма). Ранглар графикада ёрдамчи вазифасини бажаради.</p>	<p><b>Graphics</b>-(Greek graphike, grapho writing, Church, paint). 1. Type of fine art, based on drawings made by major graphic means: line, strokes, spots and dots drawn on a piece of paper. Schedule is divided into two types: a drawing (figure), the picture painted by the artist and print: engraving, lithography. 2. Printed art images, which are based on a pattern (engraving, lithography). Color chart in a supporting role.</p>
<p><b>Графит</b> – (грек. grapho – ёзаман). 1. Тўқ кулранг ёки қора рангдаги минерал, углероднинг табиий тури. Қалам ўзагини тайёрлашда қўлланилади. Графит матодан ёки бошқа материалдан қилинган қогозга тушганда қумуш из қолдиради. Графит қалам XVIII аср охирларидан қўлланила бошлади, илк мартаба у қаттиқ бўлиши учун графит ва лойни куйдириш йўли билан тайёрланди. 2. Тошқалам, ўзақ қаламнинг ичида жойлашган.</p>	<p><b>Graphite</b> (Gr. grapho - write). 1. Mineral is dark gray or black, the natural form of carbon. Used for the manufacture of pencil rod. Graphite in contact with the paper, canvas or other surface leaves silvery trail. Graphite pencil began to apply from the end of XVIII century, when it was first produced by burning graphite and clay for hardness. 2. Rod inside the pencil lead.</p>
<p><b>Гризайл</b> – (фраи. Grisaille gris - сўзидан олиинган – кулранг). Бир рангли тасвирий санъат, бир рангли ёзув (монохромия), битта</p>	<p><b>Grisaille</b> (Fr. Grisaille from gris - gray). Monochrome painting, monochrome painting (monochrome), made shades of one</p>

<p>элементларинг ягона фикрга, бир бутунни қабул қилиш хусусиятини аниқловчи мазмун ва бошқа қисмларга тобелиги.</p>	<p>monolithic ideological concept, content and other components determines the perception of a whole.</p>
<p><b>Яқунланш</b> – асар устидаги ишнинг шундай босқичи, унда ижодий фикрларнинг энг юқори босқичига эришилади ёки, қисқа маънода, белгиланган тасвирий вазифа бажарилади.</p>	<p><b>Completeness</b> - a stage in the work on the product, when they obtained the maximum realization of the fullness of creative design or, more narrowly, whencertain representational task.</p>
<p><b>Зал</b> – (нем. Saal zal). Меъморчиликда бўйи, эни ва узунлиги ўзаро тенг бўлган катта тадбир жойи. Зал меъморчилик жойи сифатида диний ибодатхоналарнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан. Зал оммавий йиғилиш ёки тадбирлар учун мўлжалланган. (концерт зали, мажлислар зали, кўргазма зали, банкет зали, ўқиш зали, кутиш зали).</p>	<p><b>Hall</b> (German Saal hall). The architecture - a grand room height, width and length is approximately equal. Hall as an architectural type of space is attributable to the development of cross-domed buildings. Facilities designed for busy meetings or special occasions. (Concert hall, an exhibition hall, a banquet hall, a conference hall, a hall of fame, a reading room, waiting room).</p>
<p><b>Олтин кесим</b> – бирор бир шаклнинг мутаюсиб тенгликда бўлиниши, буида кичик қисм катта қисмга, худди катта қисм энг катта қисмга боғлиқ бўлгани каби бўлади. Расм қисмлари ва бир бутуннинг мутаюсиблик назарияси илк маротаба Уйғониш даврида шаклланган. Сон эквивалентида олтин кесим чексиз қасрдан иборат:</p>	<p><b>Architect.</b> Same as the architect.<sup>65</sup> Golden ratio. Any form of division in harmonious proportion in two parts in such a relationship, in which a minority of so applies to most, like much to the whole value. Theory of ideal relations parts of the painting and the whole first formulated in the Renaissance. In numerical terms Golden Section is an infinite</p>

1,618033988.....	fraction: 1.618033988.....
<p><b>Тасвир</b> – белгиланган объектни тасвирловчи буюм, образ, расм. Тасвирий санъатда яратилаётган асарлар (расмда, композицияда ва б.) ҳақиқий дунёнинг субъектив тасвири ҳисобланади.</p>	<p><b>Item image</b>, A visual representation of an object, scene or person produced on a surface.</p>
<p><b>Маъбуд</b> (грек. – тасвир, маъбуд, образ). Православ ва католикларда таъзим қилиш буюми, Худо, муқаддас ҳодисалар ёки черков тарихининг тасвири. Бундай маъбудлар одатда каттиқ текисликка қилинади (махсус ишланган ёғоч. Бошқотирма, меъморчилик тасвирлари ҳам шундай номланади.</p>	<p><b>Icon</b> (Greek image, icon, image). The Orthodox and Catholics - the object of worship, a picturesque image of God, saints or holy events or church history. Such icons are usually made on a solid surface (specially treated wooden board covered with gesso). Also called mosaic icons, paintings and sculptures.</p>
<p><b>Импрессионизм</b> (фран. impressionnisme, impression – таассурот) – XIX аср охири XX аср бошларида санъат йўналиши, француз тасвирий санъатида шаклланди. Ҳақиқий дунёнинг ҳаракатлари ва ўзгаришларини, ўткинчи таассурот сифатида етказиб беришга ҳаракат қилинади, импрессионист рассомлар пленер тизимини яратишди; улар рефлекс ва рангли сояларини аниқ қилиб “тоза ранг” мазкаларида яратишди. XIX аср охири XX аср бошида санъат йўналиши.</p>	<p><b>Impressionism</b> (Fr. impressionnisme, of impression - an impression) - the direction in the art of the last third of the 19th - early 20th centuries, the most clear expression obtained in French painting. In an effort to capture an unbiased real world in its mobility and volatility, passed directly as a fleeting impression, impressionist, plain air painters have developed a system, they wrote separate brushstrokes "pure color" just recreating reflexes and colored shadows. Art movement of the late 19th - early 20th centuries.</p>

<p><b>Қадама нақш</b> – мармар, лой, метал, дарахт ва бошқа материал қисмларидан бино ва буюмларни тасвирлар билан безаш. Улар юзага терилган ва ранг ва материалга кўра фарқланади. Баъзида материаллар бир хил бўлади: дарахт дарахтга (интарсия), метал металга, тош тошга.</p>	<p><b>Inlay</b> - decorating products and building images from pieces of marble, ceramics, metal, wood, mother of pearl, etc., which are embedded in the surface and differ from it in color and material. Sometimes the same materials: wood on wood (marquetry), metal on metal (notching), stone by stone.</p>
<p><b>Созлаш</b> – илк маротаба интерер галереясида асарларни яратиш жараёни таърифлаш учун қўлланилган, кейинчалик бу атама санъатнинг белгиланган турлари учун қўлланила бошлади.</p>	<p><b>Installation</b> - used originally to describe the installation process works in the interior of the gallery, the term was later applied in relation to a particular kind of art.</p>
<p><b>Интерер</b> – (фран. interieur – ички) архитектурада, бутун бир бинонинг ёки унинг қисмларининг (йўлак, хоналар, эски биноларда хор зали ва бошқалар) ички қисми. Архитектура интерерининг бадиий таъсирчанлиги, унинг шакллари ва қисмларининг мутаносиблиги, декоратив безаклари билан аниқланади. Тасвирий санъатда интерер – бу жанр, унинг асосини эса биноларининг ички қисмини тасвирлаш ташкил этади.</p>	<p><b>Interior</b> - (from the French. Interieur - internal) in architecture, interior space of the building as a whole or its constituent areas (lobby, lobby, rooms, halls in secular buildings, choir, nave, transept in the Christian church, etc.). Artistic expression is defined as the architectural interiors of its proportions, configuration, architectonic component parts, and its decoration. Interior painting - a genre, one of the main reasons for which is the image of different interiors.</p>
<p><b>Санъат</b> – 1. Ижодий тасвир, бутун борлиқни бадиий</p>	<p><b>Art</b> - 1. (Controversial one this...) Having a degree of human</p>

<p>образларда етказиб бериш. Санъат – жамоат фикри шаклларида бири ва ҳам бир исоннинг, ҳам бутун одамзод маданиятининг бир қисми, барча авлодларнинг ижодий фаолиятининг турли натижалари. Тасвирий санъат, декоратив санъат. 2. Моҳирлик, усталлик, ишии чуқур билиш. 3. Шундай моҳирлик талаб қилувчи иш.</p>	<p>involvement — through manual skills or thought products of human creativity. The creation of beautiful or significant things, a superior skill that you learn by study and praise and observation or photographs or other representations in a publication.</p>
<p><b>Тарихий</b> – архитектура услуги, архитектуранинг олдинги услублари билан уйғунлашиб келади. XIX аср охирида кенг тарқалган. Қадимги адабиётларда эклектика деб номланган.</p>	<p><b>Historicism</b> - The architectural style based on a mixture of elements of the previously dominant architectural styles. Was most common in the late XIX century. In Soviet literature called eclecticism</p>
<p><b>Кадмий</b> – (грек. cadmea – руҳланган, кумуш рангли) – ҳиёл кўк ранг аралашган кумуш рангли метал. Кадмийнинг бу ранг қоришмалари қизил, оловранг ва сариқ ранг пигментларини яратиш учун фойдаланилади: кадмий оч қизил, кадмий лимон ранги, кадмий оловранг ва бошқалар. Кадмий сульфиди шиша, фарфор, керамика ва ёғли бўёқлар учун қўллаилади.</p>	<p><b>Cadmium</b> - (Greek cadmea - zinc, silver) - metal silver with a bluish tint. Sulphur compounds of cadmium is used to make paint pigments of yellow, orange and red colors: purple cadmium, cadmium red light, cadmium lemon, cadmium orange, and so on cadmium sulfide used as a pigment for glass, porcelain, ceramic and oil paints.</p>
<p><b>Казеин</b> – (лот. caseus – пишлок) сутининг кислота билан ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган,</p>	<p><b>Casein</b> - (Latin caseus - cheese) special milk protein, formed by coagulation of milk under the</p>

<p>махсус сут оксили. Казиеи махсус казеин елимини тайёрлаш учун қўлланилади. Казеин матони ёпиштиришда грунт сифатида фойдаланилади, шунингдек махсус бўёқлар яратишда фойдаланилади: казеин ёғли темпр.</p>	<p>influence of acids. Casein is used for the manufacture of casein glue. Casein is used as a primer for the sizing of the canvas, and when you create tempera paints: casein-oil tempera. Casein is the glue in the casein-fresco.</p>
<p><b>Расм</b> – тугалланган (эскиз ва этюддан фарқли) ва мустақил бадий маънога эга тасвирий санъат асари. Фреска ва китоб миниатурасидан фарқли расм белгиланган интерер ёки белгиланган безак тизими билан боғланиши шарт эмас.</p>	<p><b>Picture</b> - a painting, having completed character (as opposed to sketch and sketch) and independent artistic value. Unlike the mural or portrait miniature painting is not necessarily associated with a particular room or a particular system of decoration.</p>
<p><b>Картон</b> (фран. carton, ital.cartone, carta – қоғоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қоғоз, оддий қоғоздан қалин. Қоғозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мат, девор, ёғоч ёки метал текислик).</p>	<p><b>Cardboard</b> (French carton, from Italian. Cartone, from carta - paper). 1. Thick, dense and very strong paper, thick and brown sugar. 2. Preparatory drawing, sketch, sketch on paper, which was subsequently transferred to the substrate (paper, wall, wooden or metal board).</p>
<p><b>Классицизм</b> – XVII-XIX аср бошларида европа санъатида бадий услуб. Тарихга эстетик назар билан қараш. Уйғониш даври анъаналарини давом эттириш (иисоният ақлининг кучига ишонч, уйғунлик ва меъёр идеаллари)</p>	<p><b>Classicism</b> - the artistic style of European art 17 - early 19th centuries. Appeal to antiquity as the aesthetic standard. Continuing the tradition of Renaissance (the belief in the power of the human mind, the ideals of harmony and measure).</p>
<p><b>Колорит</b> – (итал. colorito,</p>	<p><b>Color</b> - (Italian colorito, Lat. Color</p>

<p>лот. color -бўёқ, ранг) расмдаги бўёқлар мутаносиблиги, уларнинг ўзаро алоқаси, ранг ва уйғунлигига кўра рангларнинг мослиги. Илик, совуқ ва ёрқин колорит. Колоритнинг ташқи тасвири – асарда рангларнинг ёрқинлиги ва уйғунлиги.</p>	<p>- paint color) ratio of colors in the image, their relationship, the consistency of color and tone on tone and saturation. Warm, cold, bright color. Outward expression of color - a beautiful color combinations and color of the product.</p>
<p><b>Коллаж</b> – (фран. collage, ёпиштириш) - тасвирий санъатда бирон бир асосга, ўзидан ранги ва фактураси билан фарқ қилувчи материаллар ёпиштиришнинг техник услуби.</p>	<p><b>Collage</b> - (from French collage, literally - gluing) - technique in art, sticking on any basis material different from it in color and texture.</p>
<p><b>Композиция</b> – (лот. composition – тузиш) – бадиий асарни унинг мазмуни ва хусусиятига кўра тузиш. Композитсия асарга ўзига ҳослик ва бутунлик бахш этувчи бадиий шаклнинг муҳим элементи ҳисобланади.</p>	<p><b>Song</b> - (from the Latin. Composition - drawing) - Construction work of art due to its content and character. The composition is a key element of artistic form, which gives the product of unity and integrity.</p>

## АДАБИЁТЛАР

### Асосий дарсликлар ва ўқув кўлланмалар

1. Абдурахмонов Г.М. Раиғтасвир ва композиция.- Тошкент, 1995.
2. Абдирасилов С., Толипов Н., Орипова Н. Раиғтасвир. Т.: Ўзбекистон нашриёти. 2006.
3. Маслов Н.Я. Пленэр. М.: Просвещение. 1984.
4. Терентьев А.Е. Рисунок в педагогической практике учителя изобразительного искусства. М., 1981.
5. Смирнов Г.Б., Янковский А.А. Пленэр. Практика по изобразительному искусству. М., 1981.
6. Карлов Г.Н. Изображение птиц и зверей. М., 1980.
7. Suzanne Brooker The Elements of Landscape Oil Painting: Techniques for Rendering Sky, Terrain, Trees, and Water. United Kingdom-2014.
8. Leslie Frontz The watercolour course. New York-2015.
9. Paul Thomas, Anita Taylor Drawing (Foundation Course). London 2011.

## МУНДАРИЖА

КІРІШ .....	3
ТАСВИРИЙ САЊЪАТДА ЎҚУВ АМАЛИЁТИ – «ПЛЕНЭР»НИНГ ПАЙДО БЎЛИНИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ.....	4
ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САЊЪАТИДА «ПЛЕНЭР»НИНГ РИВОЖЛАНИШИ .....	13
“ПЛЕНЭР” РАНГТАСВИРИ МУАММОСИНИНГ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ.....	18
«ПЛЕНЭР» АМАЛИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	23
1 КУРС УЧУН НАМУНАЛАР.....	24
2 КУРС УЧУН НАМУНАЛАР.....	52
3 КУРС УЧУН НАМУНАЛАР.....	75
ДАЛА АМАЛИЁТИНИНГ МАҚСАД – ВАЗИФАЛАРИ.....	101
ЎҚУВ АМАЛИЁТИ ИШЛАРИ МАЗМУНИ.....	101
ҚАЛАМТАСВИР БЎЙИЧА ЎҚУВ - МАШҚ АМАЛИЁТИ.....	103
РАНГТАСВИР БЎЙИЧА ЎҚУВ – МАШҚ АМАЛИЁТИ.....	106
АМАЛИЁТДА ТЕЗЧИЗГИ – МУСАВВАДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ...	115
АМАЛИЁТ ПАЙТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ.....	120
ҚИСҚА МУДДАТЛИ «ЭТЮД» - ТЕЗЛАВҲАЛАРНИ БАЖАРИШ.....	124
ТАСВИРИЙ САЊЪАТ АТАМАЛАРИ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ.....	127
АДАБИЁТЛАР.....	142

1.  
1995.  
2.  
Ўзбек  
3.  
4.  
изобр:  
5. 1  
изобр:  
6. 1  
7. 1  
Techni  
Kingdo  
8. 1  
9. P  
2011.

**КБК: 80.05(Ўзб)**  
**A 34**  
**УДК: 78.34.55**

**ISBN 978-9943-381-9-33**

**АБДУСАЛОМХЎЖАЕВ Н. РАНГТАСВИР. ЎҚУВ ДАЛА  
АМАЛИЁТИ (ПЛЕНЭР) / ўқув қўлланма / Т.: «NAVRO'Z», 2018. -  
144 б.**

**«NAVRO'Z» нашриёти**  
**Нашриёт лицензияси № АІ 170. 23.12.2009 йил.**  
**Тошкент, Амир Темур кўчаси 19 уй.**

Адади 100 нусха. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Босма табоғи 9. «Times New Roman» гарнитураси.  
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.

